



“...Берлин шаҳридаги таълим ва маданият муассасалари билан танишув давомида иштирокчилар дастлаб Borsigwalder Grundschole мактабида бўлиб, ўқувчилар билан мулоқот қилдилар. Учрашув давомида танлов ғолиблари жадидлар ижоди, ўзбек маданияти, миллий анъаналар ва Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳақида тақдиротлар ўтказдилар...”



(2-саҳифада ўқинг)

ЕТТИКУН

ГЛОБАЛ СИЁСАТ, ЙИРИК КАПИТАЛ ВА РЕНЕССАНС

Сўнгги ҳафта Янги Ўзбекистоннинг замонавий тарихига, шубҳасиз, энг сермаҳсул, фаол ва стратегик жиҳатдан муҳим даврлардан бири сифатида муҳрланади.

Бир ҳафта ичида Ўзбекистон харитасида Кавказ портиларидан тортиб, Шарқий Европанинг sanoat марказларига-ча бўлган янги йўналишлар чизилди.

Дунё молия тизимини назорат қилувчи 14 триллион долларлик сармоёга эга йирик компания Тошкентга ишонч билдирди.

Ислом маърифатининг асл моҳияти бутун дунё олимлари иштирокида қайта талқин этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

СЕМИНАР



ЗОМИНДА ЯНА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Адабиёт – миллат қалбининг жарангдор садосидир. Ҳар бир халқ асл қиёфасини ўзининг адабиёти орқали намойн қилади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий Зомин семинари қарийб ўттиз йилдирки, ёш истеъодларни кашф этиш учун катта бир саҳна вазифасини ўтаётди. 7–9 июль кунлари Зоминнинг сўлим табиати бағрида навбатдаги анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан 136 нафар ёш қаламкаш иштирок этди. Улар орасида ижод мактабларинг истеъодли ўқувчилари ҳам бор. Ҳар йилгидан фарқли ўларок, бу галги тадбир қамрови кенгайган: қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида ўзбек тилида ижод қилаётган ёш ижодкорлар ҳам тақлиф этилди.



(Давоми 8-саҳифада)

ИЛМ ЙЎЛИ

МОНТЕССОРИ ФАҚАТ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБМИ?

“Намуна”
халқаро
Монтессори
мактаби асосчиси
Муҳаммад
РАСУЛ билан
суҳбат



– Биламизки, юртимизда Монтессори мутахассисларини тайёрловчи олийгоҳлар йўқ. Сиз эса биринчилардан бўлиб ҳақиқий Монтессори таълим тизимида фаолият юритадиган “Намуна” халқаро мактабини очгансиз. Босиб ўтган йўлингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Ассалому алайкум. Дастлаб Жаҳон тиллари университетининг инглиз тили факультетини тамомладим. Кейин Латвияга магистратура йўналишига ўқишга кирдим. Ўқиш билан бир пайтда қисман Монтессори мактабида ҳам ишладим. Монтессори методи, фалсафасига қизиқиш шу ондан бошланди ва Ўзбекистонга ҳам бу методни олиб кириш иштиёқида ёна бошладим. Чун-

ки Мариа Монтессори ишлаб чиққан бу метод дунёнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар ҳар бир болага мос келади.

– Ушбу таълим тизими бутун дунёда машҳур. Ҳатто, баъзи давлатлар мактабга ҳам мактаб таълим тизимида Монтессори методидан тўлиқ фойдаланиши ҳақида ўқиганмиз. Лекин ҳали-ҳануз бу ҳақда кўпчилик тўла маълумотга эга эмас. Унинг моҳияти ва фалсафаси ҳақида гапириб берсангиз.

– Монтессори мактабининг энг катта ютуғи боланинг табиий ривожланиши-ни қўллаб-қувватлашида.

(Давоми 6-саҳифада)

ТАКЛИФ

АДИБЛАР ХИЁБОНИ

туркий халқлар маданий бирлигининг рамзидир!

Бир миллатнинг тарихий хизматлари фақатгина муаззам бинолар ва моддий обидалар билангина эмас, балки илм-фан бўйича яратган маънавий ёдгорликлари билан ҳам баҳоланади. Бу воқеликни жаҳондаги катта-кичик мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Хусусан, Мисрдаги буюк эҳромлар ва уларнинг ҳайратланарли қурилиш санъати, юнон илм-фани ёдгорликлари, шунингдек, Ҳиндистон ва Хитойнинг маданий мероси фикримизга шаҳодат беради.

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи – буюк тарих, буюк давлат ва буюк маданият яратган миллат. Бу ютуқлар тарих зарварақларида ўз аксини топган

бўлиб, уларнинг исботи минглаб нодир қўлёзмаларни сақлаб келаётган ўзимизнинг ҳамда жаҳоннинг йирик кутубхоналарида мужассамдир. Шунингдек, бу-гунги кунда ҳам Миср ва Эрондан тортиб, Ҳиндистон, Афғонистон ва қадим Туркистон заминида қад кўтариб турган шуқуҳли бинолар, йирик олим ва шоирларимиз яратган илмий асарлар ҳамда тенгсиз адабий ёдгорликлар ушбу тарихий шижоатнинг инкор этиб бўлмас далиллари ҳисобланади. Эндиликда ушбу моддий ва маънавий бойликларни чуқур ўрганиб, халқимизга ва жаҳон аҳлига намойиш этиш бизнинг бош вазифамиздир.

(Давоми 3-саҳифада)

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Ваъда

Ям-яшил далада яйрайди дилинг,
Рухингни эркалаб эсади шамол.
Бир ёнда солланиб тут маржон терар,
Бир ёнда соч тараб турар мажнунтол.

Тангадек офтобни ерга туширмас
Япроғи қафтимдек чинор, тераклар.
Баҳор насимидек майин куй чалар
Майсалар рақсига ошиқ юраклар.

Нақадар оташин кечмоқда ҳаёт,
Бош узра айланар қисмат ромчиси.
Қалбингни ҳайратга солар ҳар лаҳза
Ичинга сиғмаган қувонч томчиси.

Юрак не истайди илҳомдан бўлак?
Боболар қони бор жўшқин бу танда.
Шеър ёзмай бўларми ҳаприкса юрак
Тақдирим битилган азиз Ватанда?!

Гар боқсам самога бетакрор замин,
Бедов тугёнларим сиғмас осмонга.
Мен буюк қўшиқлар тақдим этгайман
Буюклар маскани – Ўзбекистонга!

Низомиддин ЭШМУРОДОВ,
Республика Зомин семинари
иштирокчиси



ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувининг ягона интеграциялашган рақамли платформасини жорий этиш, стартаплар экотизимини ривожлантириш ҳамда телекоммуникация соҳасида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш юзасидан тақдирот билан танишди.

✓ Ўзбекистон БМТнинг “Электрон ҳукумат” рейтингда 24 поғона юқорилади. 2030 йилга қадар мамлакатимизни ушбу йўналишда кучли 30 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинган.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикасига ташрифи давомида Минск шаҳрида Ўзбекистон – Беларусь дўстлиги хиёбонини барпо этиш ташаббуси учун мезбон давлат раҳбари Александр Лукашенкога миннатдорлик билдирди.

✓ Вашингтон штати, Сизэтл шаҳрида яшовчи юртдошларимиз томонидан “Ўзбек маҳалласи” жамоат бирлашмаси тузилди. Ташаббусни штат давлат котиби Стив Хоббс ҳам қўллаб-қувватлаган.

ТАДҚИҚ



СЎЗ ВА САҲНА ХУРШИДИ

УЗУМИНИ ЕГАНЛАР...

Турли тантаналарда, нафис мажлисларда ёки хилват хиёбонларда қуйидаги байт беихтиёр тилга келади:

“Агар кўнглимни шод этса
ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгаум
Самарқанду Бухорони.”

Албаттаки, яхши кишиларни ҳайратга солган ушбу сатрлар муаллифини сўраганларга Амир Темур Кўрагоний ва Ҳофиз Шерозий ўртасида кечган илиқ мutoйбани эслатган бўламиз ва навбатдаги ғазални қамоли эҳтиром ила қироат қилишга тутинамиз:

“Аё соқий, суниб жоминга,
қил эҳсон яшнасин диллар,
Кўринди аввал ишқ осон-у,
сўнгга тушди мушқиллар.”

Ундан кейин шоиру шеър шуурининг қизгин машварати бошланиб кетгай. Аммо бу ерда ҳам ҳар галгидек, узумини еб, ҳа, майли, боринг ана, боғини сўраймизу боғбонига ҳеч парво қилмаймиз... Аслида, ғойибона тинглаганингиз ушбу сатрларни ўзбек тилига аслият сифатида ўғирган маҳоратли таржимон Хуршид домла бўладилар. Келинг, мен сизга у киши ҳақида эшитиб билганларимни сўйлаб берайин...


(Давоми 3-саҳифада)



Бошланиши 1-саҳифада.

“ОЛТИН МҲЙНА” – ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Гуржистонда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаларнинг сиёсий салмоғи ва икки давлат раҳбарлари ўртасидаги юксак ишонч Тбилисининг муҳташам Орбелиани саройида яқол



намоён бўлди. Имзоланган “Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида”ги декларация алоқаларни мутлақо янги ҳуқуқий ва сиёсий мақомга кўтарди. Ушбу ишончнинг энг юқори олий ифодаси сифатида Президент Шавкат Мирзиёевнинг мезбонлар олий давлат муқофоти – “Олтин мўйна” ордени билан тақдирланиши бўлди.

Илгари Буюк Британия Қироличаси Елизавета II, Германия Канцлери Герхард Шрёдер ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган каби дунёнинг энг нуфузли сиёсатчилари лойиқ кўрилган бу муқофотнинг Ўзбекистон раҳбарига топширилиши Шавкат Мирзиёев олиб бораётган очиқ, изчил ва тинчликпарвар ташқи сиёсатнинг халқаро миқёсдаги юксак эътирофидир. Алоқаларни тизимли ва институционал даражада мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир амалий қадам Ўзбекистоннинг Грузияда ўз элчихонасини таъсис этиши тўғрисидаги қарор бўлди.

Хар қандай сиёсий ва иқтисодий иттифокнинг умри маданий яқинлик ва халқлараро дўстлик билан сугорилсагина боқиб бўлади. Транспорт йўлаклари ва иқтисодий лойиҳалар давлатларни жисмоний жиҳатдан боғласа, маданият, адабиёт ва санъат уларнинг қалбларини бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тарихий давлат ташрифи доирасида Тбилиси шаҳрида ўзбек халқининг улуг фарзанди, ғазал мулкининг султони, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали равишда очилиши ана шундай қалблар бирлигининг энг ғўзал ва улугвор намоиши бўлди.

Хазрат Навоийнинг ижоди асрлар давомида одамларни инсонпарварлик, маърифат, бағрикенглик, тафаккур ва ўзаро ҳурматга чорлаб келаётир. Буюк Шота Руставели юртида даҳо бобомиз ҳайкалининг қад ростлаши грузин халқининг ўлмас қадриятларга бўлган юксак эҳти-

ЖАДИДЛАР ИЗИДАН

Йирик маърифий лойиҳалардан бири – “Жадидлар изидан” республика танлови ёшларни жадидлар ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганишга, миллий уйғониш ғояларини англашга, мустақил фикрлаш ва илмий-ижодий изланишларга ундаш билан бирга, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир. Танлов доирасида сараланган ғолиблар учун Германия давлатига ташкил этилган маърифий сафар нафақат рағбатлантириш механизми, балки Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий сиёсати, халқ дипломатияси ва халқаро маданий ҳамкорлигининг амалий намунаси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ташрифнинг дастлабки кунларида иштирокчилар Германия пойтахти Берлин шаҳрининг тарихий ва маданий масканлари билан танишдилар. Берлин девори ёдгорлиги, шаҳарнинг марказий майдонлари, тарихий бинолари ва музейлари бўйлаб ташкил этилган экскурсиялар ёшларда Европа тарихининг муҳим босқичлари ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилди. Шу билан бирга, Германияда истиқомат қилаётган ўзбек зиёлилари, педагоглар ва жамоат фаоллари билан учрашув ҳамда мулоқотлар давомида хорижда миллий қадриятларни сақлаш, ўзбек тили ва адабиётини тарғиб қилиш, ёшларни миллий ўзлик руҳида тарбиялаш масалалари муҳокама қилинди.

Дастурнинг муҳим воқеаларидан бири Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида ташкил этилган ватандош педагогларнинг биринчи қурултои бўлди. Мазкур анжуман “Жадидлар изидан” республика танлови ғолиблари ҳамда “Германияда Туркистон адабиёти” илмий лойиҳаси вакиллари иштирокида ўтказилди. Қурултойнинг асосий мақсади Германияда фаолият юритаётган ўзбек педагоглари, тадқиқотчи ва маданий тарғиботчиларини бир майдонда жамлаш, уларнинг тажрибасини умумлаштириш ва келгуси

ҒОЛИБЛАР ГЕРМАНИЯДА



ҳамкорлик йўналишларини белгилашдан иборат бўлди.

Тадбир давомида “Ғарб ва Шарқ учрашувлари” жамғармаси Бошқарув кенгаши раиси Елена Хоффманн сўзга чиқиб, Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорлиқни ривожлантиришда бундай мулоқот платформаларининг аҳамиятига тўхтади. Қурултой доирасида ЎзФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ томонидан тайёрланган “Германияда Туркистон адабиёти” тўпламининг биринчи жилди тақдимот қилинди. Лойиҳа раҳбари, профессор Шаҳноза Мадаева мазкур нашрнинг Туркистон тарихи ва адабий меросини халқаро илмий жамоатчиликка етказишда аҳамияти ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, лойиҳа иштирокчиси сифатида мен ҳам сўзга чиқиб, “Жадид даври намояндалари фаолияти”да стандартлар, метрология ва маҳсулот сифати) мавзусида маъруза қилдим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги олимлари томони-

дан тайёрланган икки жилдлик “Метрология фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк Шарқ алломалари” ҳамда “Аниқлик ва стратегия: Амир Темур даврида ўлчашларнинг аҳамияти” китоблари тақдим этилди. Тақдимотда ушбу нашрларнинг яратилиш жараёни, уларда ёритилган буюк аллоқларнинг метрология соҳаси тараққиётига қўшган ҳиссаси ва илмий мероси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қурултойнинг алоҳида қисми “Жадидлар изидан” республика танловига бағишланди. Танлов ҳакамлар хайъати раиси Баҳром Ирзаев танловнинг мақсадлари ва натижалари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, танлов ғолиблари ўзбек жадидлари ижодидан намуналар тақдим этиб, миллий маърифатпарварлик меросининг бугунги ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр билдирдилар. Қурултой иштирокчилари томонидан Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги таълимий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, талабалар ва ўқувчилар алмашинув дастурларини йўлга қўйиш, хориждаги ўзбек мактаблари учун замонавий ўқув материаллари тайёрлаш бўйича қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Шундан сўнг Гамбург университети



Дунё молия тизимида бир олтин қоида бор: “BlackRock” бирор мамлакатга сармоя киритса ёки у билан расмий шериклик ўрнатса, дунёнинг бошқа барча йирик инвесторлари ҳам ҳеч қандай шубҳасиз ўша мамлакатга ошиқади. “BlackRock”нинг Ўзбекистон лойиҳаларида фаол иштирок этиши халқаро майдонда юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ва кредит рейтингларини кескин оширади. Бу дунёдаги энг йирик суверен фондлар, пенсия жамғармалари ва банклар учун Ўзбекистон иқтисодиёти хавфсиз ҳамда юқори даромадли эканини англатувчи жарангос кўнғирокдир.

ГЛОБАЛ СИЁСАТ, ЙИРИК КАПИТАЛ ВА РЕНЕССАНС

ромининг ифодаси бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

I ХАЛҚАРО ФОРУМ

Мамлакатимизда умумбашарий ва диний қадриятларни улуғлаш, бой илмий-маънавий меросни ўрганиш йўлида янги тарихий воқеа юз берди – Ислом цивилизацияси биринчи Халқаро форуми юқори савияда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти



Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига йўллаган тантанали мурожаати анжуманнинг сиёсий, маънавий ва стратегик аҳамиятини янада оширди.

Тарихдан маълумки, Мовароуннахр замини Ислом ренессансининг маркази бўлган. Бу заминдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий каби буюк даҳолар етишиб чиққан. Форум ушбу бой мероснинг шунчаки ўтмиш эмаслигини, балки бугунги замон учун ҳам долзарб илм манбаи эканини кўрсатди. Анжуман Ўзбекистонни ислом илм-фани ва маданиятининг тарихий бешлигини эмас, балки унинг замонавий глобал маркази сифатида дунёга қайта тақдим этди.

Бугунги кунда дунёда исломофобия ва бошқа томондан экстремизм каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Президентимиз ўз мурожаатида таъкидлаганидек, Ислом бу тинчлик, эзгулик, илм-фан ва бағрикенглик динидир. Шу нуқтаи назардан, ушбу форум динимизнинг асл маърифатпарварлик мазмун-моҳиятини дунё жамоатчилигига етказишда муҳим минбар бўлди. Ўзбекистон ушбу ташаббус билан экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг энг самара-

ли йўли – куч ишлатиш эмас, балки маърифат, таълим ва илмни юксалтириш эканини халқаро миқёсда исботлади.

“BLACKROCK” БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 7 июль кунги жаҳон молия бозорининг мутлақ гиганти – “BlackRock” компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесини қабул қилгани мамлакатимизнинг иқтисодий дипломатиясида янги тарихий саҳифа очди. “BlackRock” шунчаки инвестиция компанияси эмас. Бу бутун бошли давлатлар иқтисодиётига таъсир ўтказа оладиган, бошқарувидаги активлари ҳажми 2026 йилда 14 триллион долларга етган дунёдаги энг йирик молиявий корпорациядир. Ушбу маблағ дунёнинг энг ривожланган давлатлари (масалан, Германия, Буюк Британия ва Франция) ялпи ички маҳсулотларининг йиғиндисида ҳам кўпдир.

МИНСК ФОРМУЛАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 8-9 июль кунлари Беларусь Республикасида амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларда аниқ геополитик ва технологик мақсадларга қаратилган прагматик қадам бўлгани билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини жадал саноатлаштириш ва диверсификация қилиш йўлидан бормоқда. Бу жараёнда Беларусь каби кучли саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва ИТ-салоҳиятига эга давлат билан ҳамкорлик Тошкент учун жуда муҳимдир. Ўзбекистон Беларусдан фақат тайёр техника сотиб олувчи давлат бўлишни истамайди. Ташрифнинг энг катта аҳамияти саноат кооперациясини янги босқичга олиб чиқишдир.

Мамлакатимизда Беларусь технологиялари асосида қўшма корхоналар очилади. “МТЗ” (тракторлар), “МАЗ” (юк машиналари) ва “Амкордор” (қурилиш техникалари) каби йўналишларда Ўзбекистонда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва йиғишни маҳаллийлаштириш кенгайди. Бу эса Ўзбекистонда юзлаб янги, юқори маошли муҳандислик ва техник иш ўринларини яратди; Маҳаллий деҳқон ва қурувчиларимиз учун зарур бўлган техникаларнинг таннархини арзонлаштиради.



Беларусь сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш бўйича дунёдаги энг илғор технологияларга эга. Ўзбекистонда эса аҳоли сони тез ўсиб бормоқда ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талаб жуда юқори. Ташриф доирасида Ўзбекистонда Беларусь тажрибаси асосида йирик сут-товар фермалари ва сутни чуқур қайта ишловчи қўшма кластерлар ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Бу ўзбек истеъмолчисида ички бозорда сут ва гўшт маҳсулотлари нархининг барқарорлигини

таъминлайди. Гўшт-сут йўналишида наслчиллик ва селекция ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон фармацевтика бозори ҳамон хориждан олиб келинадиган дори воситаларига сезиларли даражада қарам бўлиб қолмоқда. Беларусь эса ички дори эҳтиёжининг 50 фоиздан ортигини ўзи ишлаб чиқаради. Икки давлат раҳбарлари фармацевтика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишни келишиб олдилар. Беларуснинг етакчи дори ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик Ўзбекистонда энг зарур, ҳаётий муҳим дори воситаларини (айниқса, онкология ва кардиология йўналишида) ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, беморлар учун сифатли ва арзон дори-дармонлар таъминотини кафолатлаш имконини беради.

Беларусь ўзининг Юқори технологиялар парки (ПВТ) орқали миллиардлаб долларлик дастурий маҳсулотларини экспорт қилади. Ўзбекистон эса ўз ёшларини ахборот технологиялари соҳасига фаол жалб этмоқда. Тошкентдаги “IT-Park” ва Минскдаги “ПВТ” ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонга ўзбек дастурчиларининг малакасини ошириш учун Беларусь тажрибасини жалб қилиш, АҚШ ва Европа бозорларига чиқадаган йирик буюртмаларни бигалиқда бажариш ва шу орқали мамлакатимизга валюта тушумини кўпайтиришни таъминлайди.

Хар икки давлат ҳам денгизга бевосита чиқиш йўлига эга эмас. Глобал санкциялар ва геосиёсий инқирозлар даврида икки давлат ҳам транспорт коридорларини диверсификация қилишдан манфаатдор. Ўзбекистон ва Беларусь Евроосиё бўйлаб янги мультимодал (темирийўл, авто ва ҳаво алоқаси) транспорт йўлакларини яратиш устида ишламоқда. Бу бизга ташқи савдо юқларини хавфсиз, тезкор ва кам харажат билан етказиб беришнинг янги имконини беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга ташрифи Ўзбекистон учун миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, озиқ-овқат ва дори хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёшлар учун янги ахборот технологиялари ва муҳандислик иш ўринларини яратишда жуда зарур бўлган аниқ технология ва саноат ечимларини тақлиф қилади. Минскдаги келишувлар Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлашга ва икки давлат иқтисодий салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган юксак прагматик ҳамкорлик намунаси.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон Евроосиё маконидан сўз сўзига, мустақил транспорт йўналишларига, кучли саноат шерикларига ва улкан глобал молиявий ҳамкорларига эга бўлган стратегик ташаббускорга айланмоқда. Портлар ва йўллар (Грузия), технология ва саноат (Беларусь), юксак капитал (BlackRock) ҳамда маънавий қадриятлар (Ислом цивилизацияси форуми) бир нуқтада – Янги Ўзбекистонда бирлашди.

Иқбол МИРЗО



Ноибхон МАМАДАЛИЕВА,
Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори
маслаҳатчиси,
филология фанлари доктори

яратилди. Сафар Рейхстаг биноси ва унинг машҳур гўмбазига экскурсия билан якунланди.

Мазкур ташриф нафақат танлов ғолибларини рағбатлантириш тадбири, балки Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий сиёсати, халқ дипломатияси ва халқаро таълим ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи стратегик ташаббус сифатида аҳамият касб этади.

Биринчидан, жадидлар меросини халқаро майдонга олиб чиқишга хизмат қилди. “Жадидлар изидан” танлови доирасида ташкил этилган мазкур ташриф жадид ҳаракатини маҳаллий тарихий ҳодиса сифатида эмас, балки замонавий таълим, миллат тараққиёти ва маърифат ғояларига асос солган умуминсоний қадрият сифатида халқаро аудиторияга тақдим этиш имконини яратди. Германия университетлари, мактаблари ва илмий доираларида жадидлар ҳақида маълумот берилиши Ўзбекистоннинг интеллектуал меросини халқаро академик муҳитга олиб чиқишга хизмат қилди.

Иккинчидан, хориждаги ватандошлар салоҳиятини мамлакат тараққиётига йўналтириш учун янги платформа шакллантирилди. Германияда истиқомат қилаётган ўзбек педагоглари, олимлари ва тадқиқотчиларининг биринчи қурултои мамлакат ташқарисидан шаклланган интеллектуал капитални бирлаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Учинчидан, ёшлар дипломатиясининг янги модели синовдан ўтказилди. Сафар давомида ўзбек ва немис ёшлари ўртасидаги бевосита мулоқотлар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг келажақ авлодлар даражасида мустаҳкамланишига хизмат қилди. Бу жараён расмий дипломатияни тўлдирувчи “ёшлар дипломатияси” механизмини шакллантиришда айрича аҳамиятга эга бўлди.

Тўртинчидан, сафар Ўзбекистоннинг “юмшоқ куч” салоҳиятини мус-

таҳкамлади, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи, маданий дипломатияси ва интеллектуал обрўсини оширишга хизмат қилди. Айнисига, “Германияда Туркистон адабиёти” тўпламининг тақдими мамлакатимиз илмий меросининг халқаро илмий муомаласига кириб бориши учун муҳим қадам бўлди.

Бешинчидан, таълим соҳасида халқаро ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини очиб берди. Гамбург университети, Берлиндаги мактаблар ва бошқа таълим муассасалари билан ўтказилган учрашувлар натижасида талабалар алмашинуви, қўшма тадқиқотлар, академик мобиллик ва қўшма таълим лойиҳаларини амалга ошириш учун истикболли йўналишлар белгиланди.

Олтинчидан, миллий ўзлик ва ватанпарварлик тарбиясининг амалий намунасини яратди. Танлов ғолиблари учун Германия сафари жадидлар меросини китоблар орқали ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг ғояларини халқаро муҳитда тарғиб қилиш имкониятини берди. Бу эса ёшларда миллий ғурур, тарихий хотира ва Ватан тараққиёти учун масъулият туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилди.

Энг муҳими, бу лойиҳа Ўзбекистон-Германия гуманитар мулоқотини янги босқичга олиб чиқиш учун асос яратди. Ташриф доирасида ўтказилган барча учрашувлар, тақдимотлар ва давра суҳбатлари икки мамлакат ўртасидаги гуманитар, таълимий ва маданий ҳамкорлиқни институционал даражада ривожлантириш учун муҳим пойдевор вазифасини бажарди.



СЎЗ ВА САҲНА ХУРШИДИ

Бошланиши 1-саҳифада.

АСЛИ НАСЛИ

Ўзбек адабиёти ва инжа санъати тарихида шундай аҳли қаламлар борки, уларни фақат “шоир” ёки “драматург” деб аташ камлик қилади. Улар бутун бир даврни, бутун бир маънавий муҳитни, бутун бир авлод тақдирини елкасида кўтариб ўтган инсонлардир. Ана шундай буюк сиймоларнинг етук вакили, Ўзбекистон миллий музыкали драма театри асосчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шамсиддин Шарофиддинов 1892 йилнинг 20 июнида Тошкентда, боғбон оиласида таваллуд топган. Аввал мадраса ва эски мактабда таҳсил олади.



Отасининг вафотидан кейин, 1910 йилда ўқишни ташлаб, Андижонга бориб, 1918 йилга қадар тижорат ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлади. Айнан ўша пайтларда дунёдан бохабар бўлиш мақсадида Қрим, Татаристон ва Озарбайжонда нашр этиладиган газета ва журналлар билан танишиб боради. 1918 йилнинг ёз ойларида Тошкентга қайтиб, ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқийди, сўнгра “Беҳбудий” ва “Намуна” мактабларида ўқитувчилик қилади. Аммо у чинакам Хуршид бўлиши учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

“ҲОЙИБ”ДАН “ХУРШИД”ГАЧА ЁХУД ТАХАЛЛУСЛАР ТАҚДИРИ

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи катта илмий ҳодими, захматкаш олим Юсуф Турсунов узоқ йиллар давомида Хуршид домланинг кўлэмларини ўрганиб, унинг тахаллуслари ижодий ва руҳий камолот билан бевосита боғлиқлиги, ҳар бири муайян бир даврдаги маънавий ҳолатини ифодалашини аниқлаган.

Шамсиддин Шарофиддинов ҳали жуда ёш, тахминан 12–13 ёшларида қалам тебратиб, дастлабки шеърий машқлари остига “Ҳойиб” дея ёзишни одат қилган. Бу сўз арабий лисонда “дарвозабон, кўриқчи, пардали” каби маъноларни англатади. Бу ном ёшликка хос неқбиллик ва қатъият, муросасизлик натижаси бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Шоирнинг қизи Раҳима Шарофиддинованинг айтишича, бўлажак Хуршид уйларига тез-тез келиб турадиган Камий домлага машқларидан бирини ўқиб беради. Ўша пайтнинг машҳур шоири бўлган устоз бу камтар йигитчанинг тахаллусидан ажабланиб, шундай деган: “Нега энди “Ҳойиб”? Ҳали ёшсиз, бўтам, ёзганларингиз ҳўп маъқул. Яратганга шукрона келтириб, бошқа тахаллус танлангиз...”

Бу тавсиядан сўнг ёш шоир “Шукрий” тахаллусини қабул қилади. Бу орада унинг кўли мумтоз услубда ёзишга анча келишиб қолган. “Ушшоқ”, “Чоргоҳ”, “Сегоҳ” каби куйларга мослаб ёзган ғазаллари халқ орасида кенг тарқалган эди.

Куйидаги мисралар ўша мумтоз даврдан мерос: “Шукрий, бу ғам-ла ўлсам, этинг қабрима бино – Ким, таъна тошлар-ла маломат минораси”. (“Даромади ушшоқ”)

Эътиборлиси, йигирма ёшидаёқ, яъни, 1912 йилда ўз шеърларини жамлаб, “Девони Шоҳидий”га тартиб берган. Дастлабки ижодий намуналари 1914 йилда “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон” газеталари, “Таржимон”, “Ойина” журналлари ва “Тухфаи Хислат” баёзида “Ҳойиб” тахаллуси билан эълон қилинган.

Юсуф Турсуновнинг таъкидлашича, Хуршид домла бир пайтнинг ўзида ғазаллар учун алоҳида, драмалар учун бошқа, ҳажвий шеърлар учун эса яна бир тахаллусдан фойдаланган. Айниқса, “Муштум” журналида босилган ҳажвий шеърларида “Ўжар”, “Таҳанг”, “Чаён” каби тахаллуслар қўлланган. Бу ҳолат 1920–1930 йиллар адабий муҳити учун одатий ҳол бўлиб, шоирлар турли услуб ва жанрларда ўзини эркинроқ синаб кўриш мақсадида ижодий номларини алмаштириб турганлар.

Нихоят, у барча ижодий йўналишларини бирлаштирувчи асосий тахаллусни танлади: “Хуршид”. Бу “куёш” деган маънони англатади.

“Толеинг уйғонгуси, Хуршид, анга йўқдур зумон, Ким, ҳар қаро тун ортидан чиққандек офтоб”.

ДРАМАТИК БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Бу даврда жадидлик ғоялари янги босқичга кўтарилган, халқ орасида келажак ва мустақилликка умид айнаи авжига чиқа бошлаганди. Маълумки, маорифпарвар жадидлар халқни уйғотиш, унга янги фикр ва янги замон нафасини олиб кириш учун энг таъсирчан қурол сифатида газета, журналлар ва, албатта, театр санъатини ишга солганлар.

Ҳали йигирмага тўлмаган Шамсиддин маърифатпарварлик руҳида “Эскилик ва янгилик” деган дастлабки пьесасини ёзган бўлса-да, унга ҳақиқий драма мактаби зарур эди. Шунинг учун бўлса керак, аввал Эски шаҳар халқ маориф бўлимида ходим, кейин Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театр труппасида суфлёр, “Муштум” журнали тахририятида техник муҳаррир бўлган Хуршид ўзини бутунлай янги соҳа – драматургияда синаб кўра бошлади. Кутилган натижаларга эришгач, Андижон вилоят театри ва Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида адабий эмакдош сифатида фаолият юритди.

Хуршид домла драматург сифатида йигирмага яқин катта ва кичик ҳажмли пьесалар яратган. Айниқса, Маннон Уйғур труппаси билан ҳамкорлик қилган йилларда

ҳам четда қолмаган, албатта. Жумладан, Гулрухсор Шержонованинг “Хуршид драмаларида анъана ва янгилиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида домланинг юқорида қаламга олинган саҳна асарлари қаторида “Саводсиз бой”, “Темирчининг ўғли”, “Ориф ва Маъруф”, “Қора хотин”, “Кичик аскар” каби пьесалари, “Туркистон” тарихий драмаси, “Қалин”, “Ойбону”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си асосида яратилган “Сиёвус қисмати” музыкали драмалари, “Кулгу ва кўз ёшлар” музыкали комедиялари устида илмий изланишлар олиб бориляпти.

МАҲОРАТЛИ МУТАРЖИМ

Маълумки, Хуршид домла 1920 йилларда таржимонлик билан ҳам фаол шуғулланган. У Озарбайжон драматурги Узеир Ҳожибековнинг “Аршин мал алан” (1913) музыкали комедияси ва бошқа машҳур асарларини, шунингдек, Уильям Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини “Қора араб” номи билан, Фридрих Шиллернинг “Қароқчилар” фожиали драмасини (озарбайжон тили орқали) ўзбекчага ўтирган.

Ўша йилларда Марк Твеннинг “Шаҳзода ва тиланчи”, номаълум муаллифнинг “Аввали ҳой, охири вой” асарларини озарбайжон тилидан таржима қилгани ҳам маълум. 1958 йилда Хуршиднинг Ҳофиз Шерозидан қилган таржималари китоб бўлиб чиққан. У илми бадиий, илми аруз, илми қофияни мукаммал билгани учун вазни сақлаб, соф ўзбекча руҳда таржима қилган.

“Бу китобга Фирдавсий номидаги халқро мукофот лауреати Шоислом Шомухамедов сўз боши ёзган, – дейди Абдурасул Эшонбобоев. – Хуршид домла мумтоз адабиётимизнинг тенгсиз билимдони эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳофиз ғазалларини аслиятга яқин ҳолда жаранглата олган. Масалан, форсийда бундог:

“Дўш аз масҷид сўи майхона омад пири мо,

Чист, ёрони тариқат, баъд аз ин тадбири мо.”

Энди ўзбекчаси:

“Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиримиз,

Не бўлур, йўлдошларим, бундан кейин тадбиримиз?”

Кечирасиз-у, ҳозирги таржимонларимизнинг ишида кўпинча форсча жумлалар етакчилик қилади, фикрлаш, ифода тарзи ўзбекча эмас.

Ёки Ҳофизнинг машҳур байти:

“Ё Раб, ин шаъми дилфруз зи қошонаи кист?

Чони мо сўхт, бирпурсед, ки чононаи кист?”

Ўзбекчаси:

“Қайси уйнинг шаъмидир у, қайси жойда хонаси,

Уртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?”

Ҳофиз шеъриятини ўзбек тилида тўлиқ жаранглатиш учун катта адабий маҳорат талаб этилади. Яна бир муҳим жиҳатга диққат қилиш керак: китобда матннинг бир томони форсча асл шаклда берилган бўлиб, у Абдулқодир Муродий домланинг дастхатлари ва хатлари асосида хуснихат билан кўчирилган, ёнида эса ўзбекча таржимаси жойлаштирилган. Бу эса ўша давр адабий-илмий анъанаси билан узвий боғлиқ ҳолатдир.

ОТА ИЗЕНИ ҚИЗ БОСДИ

Хуршид домла 1949–1960 йилларда Тил ва адабиёт институти қошидаги Адабиёт музейида илмий ходим сифатида фаолият олиб борган. Бу даврда у ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намояндалари Мунис Хоразмийнинг ғазаллари, Муҳаммад Ризо Отаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) девонини, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо”сини нашрга тайёрлаган.

Тақдирни қарангки, домланинг қизи – Раҳима Шарофиддинова 1962 йилдан бери Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида фаолият юритиб, отасининг шахсий архивини сақлаш, тадқиқ қилиш ва нашр этиш билан шуғулланмоқда. Яқинда Отабек Жўрабоев билан ҳамкорликда “Таъвизу-л-ошиқин” асарини қайта нашрга тайёрлади. Айтиш мумкинки, бу танқидий матн асосида ишланган мукаммал нашр бўлган.

Камина кулингиз ушбу мухтасар матннинг баъзи жойларини Раҳима аянинг бевосита гувоҳлиги ва ёрдамига таяниб ёзди. Гоҳида майин ва ҳазин овоз билан падири бузрукворининг муборақ қаламидан тўкилган сатрлар ила “Чоргоҳ”, “Гирён”, “Баёт”, “Ушшоқ”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ”, “Сувора” каби куйларга соларак айтилган қўшиқларини қўйиб беришимни сўради. Зумда сўралган оҳангни топиб бераман-у, бу ҳақиқор билимга ҳўп афсус ейман... Сабаби, қўшиқнинг илк нағмалариданқон аянинг дарднок кўзларида йилтир-йилтир ёшлар айлана бошлайди. Куй авжиди йиги ҳам қиёмига етиб қолади. Қўша-қўша неварча, чеварали аёл беихтиёр отали дамларини хотирлай бошлайди: “Ҳар йилли кудза тоқларни қумардик. Отам раҳматли чилвир ясаб, белига боғлаб олганча навдаларни эҳтиёткорлик билан кўтарарди. Радиода янграётган қўшиқларга жўр бўлиб, ишга берилиб кетгандан ён-атрофида қий-чулвашиб юрганимизни сезмай қоларди. Отам ҳеч қачон бизга қаттиқ гапирмасди. Ҳатто айвонда ижод қилиб ўтирганларида бўйинларига осилсак ҳам, қозғоларини олиб ўйнасак ҳам индамай жилмайиб кўярди. Айниқса, қишда танча устига Навоий бобомизнинг “Хазойин ул-маоний” китобларини қўйиб роса қироат билан ўқирдилар. Биз – бир уй бола-бақра тўполон қилганимизда онам раҳматли отамга қараб: “Индамасдан ишлайсиз-а, ҳай десангиз бўлмайдимиз?” деб куйларди. Отам эса майин жилмайиб: “Қўявер, шуларни овозини эшитиб турсан, менга илҳом келади,” дердилар... Ўша пайтларга қайтгим келади. Соғинаман отамни...”

Радио: “Қўйма мени йилғлатиб”. Сайёра Ҳақназарова ва Муҳаммаджон Каримовлар ижро этади.

“Шукрий, йиқилмоқ истаса гардуни фалак,

Оҳим шарорасидан айланаиз анга сутун”.

ХУЛОСА ҚИЛИБ АЙТГАНДА...

Азиз муштарий, йўқ демасангиз, хулосани Сизга қолдирсак...

ШАҲРИЁР ШАВКАТ

тайёрлади.



АДИБЛАР ХИЁБОНИ

туркий халқлар маданий бирлигининг рамзидир!

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон бугун янги юкса-лиш босқичини бошдан кечирмоқда. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ҳаётий ислохотлар “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиори остида амалга оширилмоқда. Қисқа муддат ичида иқтисодиёт ва саноат тармоқлари тараққиёти, илм-фан ривожига халқ фаровонлигини ошириш соҳаларида қабул қилинган режалар ва ҳаётга татбиқ этилган дастурлар қўшни давлатлар ва халқро оммавий ахборот воситаларининг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Мен кенг кўламли маданий ютуқларимиз қаторида, бугун барчанинг диққат-эътиборини ўзига тортиб турган Адиблар хиёбони ҳақида фикр билдирмоқчиман. Хиёбон сайри чоғи инсон қалбини ўзгача бир ҳаяжон ва миллий ғурур туйғуси қамраб олади. Ҳазрат Навоийнинг савлат тўкиб турган мухташам ҳайкали хиёбон худудида қад кўтарган Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа йирик адиб, шоир ҳамда ёзувчиларнинг сиймоларига худди ризолиқ билан боқиб тургандек туюлади.

Мен Навоий, Бобур, Беҳбудий, Муқимий ва Отаҳийлар қаторида, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Зулфияҳоним, Саид Аҳмад, Озод Шарофиддинов, Тўлпбергана Қайипберганаов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа улуг сўз санъаткорларининг мухташам ҳайкаллариини кўриб, шундай тасаввур қиламан: уларнинг пок руҳлари ушбу мажмуа атрофида шоду хураамлик билан парвоз этиб, бу масканни бунёд этганлар ҳақиқига дуои хайрлар қилмоқда ва ўз ризолиқларини билдирмоқда.

Бу култуғ хиёбон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ўтмиш жараёнларининг ёрқин маданий кўриниши ва теран рамзидир. Хиёбоннинг бир томонида Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси учун махсус қурилган янги бино мажмуага алоҳида кўрк бағишлаб турибди. Бу сарбаланд, қўшқават бино замонавий услубда бунёд этилган бўлиб, унда илмий ва адабий фаолият билан шуғулланиш учун барча шaroитлар яратилган.

Мазкур даргоҳда воқе бўлган бир халқро конференцияда чет эллик кўпгина олимларнинг ҳам ушбу масканга катта қизиқиш ва ҳайрат билан боққанларига гувоҳ бўлганман. Бинода бой кутубхона, музей ҳамда зарур тадбирлар учун мўлжалланган катта ва кичик заллар мавжуд. Бу мажмуани ҳақиқий маънода улкан маданият саройи, деб аташ мумкин. Хиёбон яқинида ижодкорлар учун бунёд этилмиш замонавий уй-жойлар эса адиб ва ёзувчиларга давлатнинг нақадар эҳтиромли эканидан далолатдир.

Бу масканда ўзбек тили ва адабиёти даргалари кўп асрлик айрилиқдан сўнг шу кенг майдонда қайта жам бўлиб, бир-бирлари билан мушоира ва мунозара қилаётгандек манзара жонланади. Қанийди, ушбу тарихий хиёбонда бутун турк дунёсининг бошқа буюк адиб ва шоирлари – Мавлоно Фузулий, Нозим Ҳикмат ёки Номик Камол, Махтумқули, Чингиз Айтматов, шунингдек, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф ҲоҶожи, Бобораҳим Машраб, Хаслоно Лутфий, Хусайн Бойқаро, Зебунисобегим, Нодирабегим ва Амр Умархон каби аждодларимизнинг ҳам ҳайкаллари қад кўтарса! Шунда бу маскан барча туркий халқларнинг маданий



Саид Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ, юридик фанлар доктори, профессор

бирлиги ва биродарлигининг ҳақиқий рамзига айланган бўлур эди. Барҳақ, бу шарафга ҳам пиллапоё воситасида эришилмай.

Ўзбекистон давлати раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда Туркий Давлатлар Кенгаши (ҳозирги Туркий Давлатлар Ташкилоти)га аъзо бўлиши орқали бу тузилмани иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучайтирган бўлса, иккинчи томондан, собит ирода туфайли туркий халқлар тарихи ва маданиятининг кўзгуси сифатида Ислом цивилизацияси марказининг мухташам биносини барпо этиди. Ушбу маданий-тарихий ойда ўзининг мукамаллиги, бой тарихий ҳужжатлар хазинаси ва улардан кенг фойдаланиш имкониятлари билан бугунги кунда халқро ҳамжамиятнинг эътиборини қозонмоқда.

Бу ўринда бир тарихий ҳақиқатни таъкидлаб ўтмоқчиман: давлат гамхўрлиги ва ҳимояси бўлмас экан, илм-фан гуллаб-яшнаши учун муносиб шароит пайдо бўлмайди. Фикримга қуйидаги тарихий мисоллар далил бўла олади.

Агар XIII асрда Мағриб (Мароккаш) султонини жаҳон миқёсида тарихи фалсафаси ва жамиятшунослик илмининг асосчиси деб тан олинган Абдурахмон ибн Халдунга барча яшаш ва ижод шароитларини яратиб бериб, машҳур “Қалъат ибн Салама” қалъасини йиллар давомида унинг мутлақ ихтиёрига топширмаганида эди, олим ўзининг энг муҳим илмий дурдонаси – “Ал-Муқаддима” асарини ҳамда кўп жиллик “Ал-Ибар...” тарихий қомусини ёзиб тугатишга имкон ва фурсат топмаган бўларди.

Агар Султон Маҳмуд Ғазнавий 400 нафар шоир ва олим қаторида Фирдавсийни ҳам ўз ҳимоясига олмаганида эди, жаҳон адабиёти дурдонаси ҳисобланган “Шоҳнома”дек улкан асар дунёга келмасди.

Агар Темурийлар давлати, айниқса, Султон Хусайн Мирзонинг юксак эътибори ва ҳомийлиги бўлмаганида, ҳазрат Алишер Навоий ўз ижодий мероси бўлмиш бебаҳо асарларини яратиш учун бундай хотиржамлик ва фароғат топа олмаган, Камолиддин Беҳзода эса ўзининг машҳур миниатюра мактабига асос сола олмаган бўлар эди.

Агар Хоразмий ва Фарғонийлар “Байтул ҳикма”да фаолият юритиб, халифа Маъмун Аббосий ҳимоясида бўлмаганида, шунингдек, кейинчалик Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино каби даҳо алломаларимизга Хоразм Маъмун академияси ва Хоразмшоҳ Маъмун ҳомийлик қилмаганида, улар илм-фан чўққиларини забт эта олмаган бўларди.

Бугун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат тараққиёти ва илм-фан ривожига алоҳида қад бораётган одилона сиёсатида ана шу тарихий воқелик ва анъаналарнинг ёрқин инъикосини кўриш мумкин.

Стокгольм, Швеция



КЕЧИНМА



Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистони-миз ҳаётида юз берган улкан тарихий бурилишнинг бошланганга ўн йил тўлади. Бу сана, аввало, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолияти бошланган давр билан боғлиқ.

Тарихга гувоҳ бўлиш – бағоят қизиқ ва ғалати ҳиссиётлар оғушига соладиган машғулот. Бу фикрни ҳар қандай тафаккур сохибига айтсангиз, у албатта, тушунади. Айниқса, ҳаёт ҳодисаларига синчков назар билан қарайдиган зиёли инсон бу ҳолатни яхши ҳис этади.

Қизиги шундаки, инсон туғилади, улғаяди, тириклик ва тирикчилик ташвишлари, орзу-мақсадлари билан яшайди. Кўз ўнгимизда сониялар дақиқага, кунлар ойларга, ойлар йилларга, йиллар ўн йилликларга айланиб кетаверади. Гоҳи бир лаҳза тўхтаб, кечаётган вақт ҳақида ўйлашга фурсат ҳам тополмайсан киши. Тонг отиб, кун ўтади, кеч кириб яна янги кун бошланади. Шу тариқа инсон умр оқимида сузиб боради.

Бироқ ҳаётда шундай паллалар келадик, инсон ўзидан ўзи ҳисоб сўрай бошлайди. Қайдан келдим? Қарерга кетяпман? Ортимда нима қолди, олдимда нима қутиб турибди? Ана шунда ғалати ҳиссиётлар, ўтмиш хотиралари, келажақ ҳақидаги мулоҳазалар инсон қалбини қамраб олади.

Мутафаккир бобомиз ҳазрат Алишер Навоий бежиз:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Хар не истарсен ўзунедин истагил, –*
деб ёзмаган.

Орадан олти аср ўтган бўлса-да, инсон руҳиатиданги бу эҳтиёж ўзгарган эмас. Башарият тафаккури пайдо бўлганидан бери мавжуд бўлган ҳақиқат бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Айни шу туйғулар бугун мени ҳам она юртим – Ўзбекистоннинг сўнги ўн йиллик тарихи ҳақида мулоҳаза юритишга ундамоқда. Бу нафақат мамлакат ҳаётидаги ўзгаришлар, балки ана шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи сифатида ўз кечмишларимни ҳам сарҳисоб қилиш эҳтиёжидир.

Бу ҳиссиётлар яқинда иштирок этганим – катта бир анжумандан кейин яна қайта уйғонди. Аслида, унинг илдизи 2017 йилга бориб боғланади.

2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаёти солномасига муҳим сана сифатида муҳрланди. Шу куни Ўзбекистон Президенти маданият ва санъат, адабиёт аҳлини йиғиб, кенг қамровли мулоқот ўтказди. У ерда мамлакат маънавияти, адабиёти, санъати ва маданиятининг бугуни ҳамда келажагига дахлдор кўлаб масалалар муҳокама қилинди.

Ўша йиғилишда айтмоқчи бўлган фикрларимни баён этишга улгуролмаганимдан кейин, бир неча кун ўтиб, “Президентимизга мактуб” номли мақоламни матбуотда эълон қилган эдим. Унда шундай ёзган эканман:

“Сўзлай олмай қолганимга қаттиқ афсусландим. Бу кайфият сира тарқамаяпти. Чунки Сузнинг Ўзбекистонимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажақ маънавияти, маърифати, адабиёти ва санъати ҳақидаги қуюнчақ, эҳтиросли фикрларингиз ҳар биримизнинг гуё қалбимиз, фикримизни кўриб, уқиб тургандек, дарду орзуларимизни аналаб, хайрхоҳлик, меҳр билан айтилгандек туюлди. Бу сўзлар қалбимни безовта қилди...”

Орадан тўққиз йил ўтиб, 2026 йилнинг 1 июнь куни ҳам шунга ўхшаш безовталиқни ҳис этдим. Аммо бу сафарги туйғу бошқачароқ эди. Агар аввалги безовталиқ умид ва ҳаяжондан туғилган бўлса, бу гал унда хавотир ҳам бор эди. Йўқ, мамлакат раҳбарининг маданият ва санъат аҳлига бўлган меҳри, эътибори ва ғамхўрлиги аввалгидан зиёда бўлса бори, сира қамайгани йўқ. Аксинча, янада кенгрок, кўламли, серҳиммат ва юксак босқичга кўтарилган. Бироқ айрим ижод аҳлининг мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор улкан масалалар ўрнига тор

доирадаги шахсий манфаатлар ва майда ташвишлар билан банд бўлиб қолгани кишини ўйлантирмай қўймайди.

Бугун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги нуфузи, минтақа тинчлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлидаги ташаббуслар, иқтисодий тараққиёт борасидаги кенг кўламли ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакат ҳаётида кечаётган бу ўзгаришлар барчамизнинг кўз ўнгимизда юз бермоқда. Шундай экан, биз – маънавият ва нафосат аҳли, “руҳият муҳандислари” ҳам ўз зиммामиздаги масъулиятга муносиб даражада жавоб беряпмизми? Бу савол ҳар бир ижодкорни ўйлантириши керак.

Узоққа бормай, биргина кинематография соҳасини мисол қилиб олайлик. Сўнги ўн йил мобайнида ўзбек миллий кино санъати юз йиллик тарихида сира кўрилмаган эътибор ва ғамхўрликка сазовор бўлди. Ўзбекистон Президенти 2017 йил 29 декабрь, 2020 йил 20 ноябрь ва 2024 йил 16 май кунлари кинематография соҳаси вакиллари билан алоҳида учрашувлар ўтказди. Ўтган бир аср давомида республика раҳбарларидан ҳеч бири кино аҳли билан бундай махсус мулоқотлар ташкил этмаган.

Сўнги ўн йил ичида Президентимизнинг соҳани ривожлантиришга қаратилган ўнлаб фармонлари, қарорлари ва ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. Улар натижасида миллий кино ишлаб чиқариш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Рақамларга мурожаат қилсак, 1924 йилдан 1991 йилгача бўлган қарийб 70 йил давомида 1500 га яқин киноасар яратилган бўлса, Мустақилликнинг дастлабки 25 йилда 1192 та кино маҳсули ишлаб чиқарилди. Янги Ўзбекистоннинг ўн йиллик даврида эса 616 та фильм экран юзини кўрди.

Бадий фильмлар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам сезиларли ўсди. Собиқ Иттифок даврида йилга ўртача 6 та, Мустақилликнинг дастлабки чорак асрида 15 та фильм суратга олинган бўлса, кейинги ўн йилда бу кўрсаткич 30 тага етди. Энг муҳими, кино санъати мазмунан ҳам янгиланди. Янги Ўзбекистон руҳига ҳамоҳанг асарларда халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, миллий қаҳрамонларимиз, бугунги бунёдкорлик жараёнлари, юрт тараққиёти учун меҳнат қилаётган замондошларимиз образлари ўз аксини топди. Энг замонавий рақамли технологиялар асосида яратилган бу асарлар халқимизнинг кечаги ва бугунги ҳаётини бадий солнома сифатида муҳрлаб бормоқда.

Тарих ҳар бир даврга ўз баҳосини беради. Бироқ тарихнинг ҳаққоний баҳоси, аввало, унинг замондошлари томонидан қай даражада англанигани билан ҳам белгиланади. Шу маънода, Янги Ўзбекистоннинг ўтган ўн йили нафақат иқтисодий ва сиёсий ислохотлар даври, балки миллий ўзлиқни англаш, маънавий уйғониш ва ижодий масъулиятни қайта баҳолаш даври сифатида ҳам тарих саҳифаларида қолиши, шубҳасиз.

Миллатимизнинг қадимий ва бой мероси, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс – Уйғониш давлари, жаҳон илм-фани ва маънавий тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ҳаёти, шунингдек, бугун юрти-мизда қарор топаётган Учинчи Ренессанс ғоялари кинематографиямиз учун беқиёс ижодий майдон очиб берди. Шу билан бирга, босқинлар ва мустамлакачиликка қарши миллий озодлик курашлари, жадид бобола-римиз фожиаси, мустабид тузум қурбонлари, мафкуравий тазйикларга учраган илм-фан, адабиёт ва санъат намояндalари, юрт ва миллат камолини орзу қилган фидойи арбоблар ҳақида тўлақонли бадий ҳамда ҳужжатли фильмлар яратиш мақсадида “Тирик тарих” давлат кинодастури ғояси мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилди. Бу ташаббус миллий ва халқаро миқёсда кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш, тарихий хотирани кино тилида халққа етказиш учун улкан имкониятлар яратди.

Бугун эса Ватан шарафи йўлида меҳнат қилаётган замондошларимиз, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар ва улкан ўз-

МУНОСИБЛИК

гаришлар кун, ой ва йиллар солномасидан экранларга кўчмоқда. Улар халқ қалбида ифтихор ва эҳтирос уйғотадиган бадий ҳамда бадий-ҳужжатли фильмларга айланмоқда. Шу тариқа замонавий кино воситасида бугунги давримизнинг ҳужжатли ва бадий шаходатномалари яратилмоқда.

Қизиқ бир мулоҳаза – Янги Ўзбекистон даври бошлангунга қадар ижод аҳлига “Замон қаҳрамонларини топинг, халққа ибрат бўладиган образлар яратинг”, деган чақириқлар янгарди. Бироқ кўпчилиқнинг ҳаёлида бир савол туғиларди: ўзи “замон қаҳрамони” ким? Тадбиркор десангиз, кечагина унинг номи турли гумон ва шубҳалар билан тилга олинган. Илм-фан вакили десангиз, уларнинг истеъдодли вакиллари иқтидори қадрланмаганидан хорижга кетишга мажбур бўлган. Уқитувчи ёки шифокор десангиз, тирикчилик излаб юртма-юрт сарсон бўлган инсон кўз олдингизга келади. Ана шундай муҳитда “замон қаҳрамони” деган тушунчанинг ўзи мавҳум ва ноаниқ эди.

Маълум бўлдики, ҳақиқий қаҳрамонни сунъий яратиб бўлмас экан. Замон қаҳрамонини ҳаётнинг ўзи тарбиялар, воқелиқнинг ўзи майдонга чиқариб қўяр экан. Бугун Янги Ўзбекистон бунёдкорлиги майдонларида юзлаб, балки минглаб ана шундай инсонлар етишиб чиқмоқда. Улар иқтисодиётда, илм-фанда, таълимда, тиббиётда, маданият ва санъатда, ишлаб чиқаришда, спортда ва бошқа соҳаларда юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ҳақиқий замондош қаҳрамонлардир.

Бу жараёнда мамлакат Раҳбарининг ўзи барчага ибрат кўрсатмоқда. Ватанга шараф келтираётган ҳар бир муваффақият, ҳар бир ютуқ давлат сиёсати даражасида эътироф этилмоқда. Бу эса янги қаҳрамонларнинг пайдо бўлишига, улар ҳақида асарлар яратилишига кучли туртки бермоқда.

Ана шундай тарихий имкониятлар, ижод қилиш учун кенг шaroитлар, моддий ва маънавий кўмаклар яратилган бир пайтда, шукроналик ва юксак масъулият ўрнига майда манфаатлар ёки шахсий истаклар билан чекланиш, табиийки, ҳар қандай кузатишчини ўйлантирмай қўймайди. Бу ҳолат кишини “аттанг” дейишга, муайян маънода таассуфга тушишга мажбур этади.

Шундай паллаларда замонамизнинг улғу мутафаккирларидан Иброҳим Ғафуровнинг мансуралари ёдимга тушади:

*“Мен ҳеч ерга байроқ тикмаганман.
Байроқ тикмай ҳам сураблай
яшайверса бўлар, албатта,
Ҳеч ким айтмас, солмас юзингга:
Нега байроқ тикмадинг деб чўққиларга!
Элликка кирганда чиққим келар
шу шамолгоҳ қоя устига,
Байроқ тикким келар,
Жўнлик устидан қозонгим*

келар ғалаба...”
Ҳақиқатан ҳам, жўнлик, майдакашлик ва юзакилик устидан ғалаба қозониш ҳар бир зиёли ва ижодкорни ижодий безовталиқ ва изланишларга ундайдиган маёқ-мақсади бўлмоғи зарур.

Мени хавотирга солган яна бир жиҳат шу бўлдики, маданият ва санъат соҳасига масъул инсонлар сифатида биз ижод аҳлини мамлакат раҳбари иштирокидаги юксак анжуманларда ўзини муносиб тутиш, фикрни лўнда ва мазмунли ифода этиш, соҳа учун ҳақиқатан муҳим бўлган масалаларни кўтариш маданиятига етарлича тайёргайи олмабмиз. Ваҳоланки, мамлакат Президенти олдида сўзлаш имконияти ҳар куни ҳам насиб этавермайди. Бундай минбарда фақат энг муҳим, энг долзарб ва энг юқори даражада ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар ҳақида фикр билдириш лозим.

Ахир, мамлакат раҳбари қирқ миллионлик халқнинг қундалиқ ташвиши, фаровонлиги, таълим-тарбияси, соғлиғи, тинчлиги ва хавфсизлиги учун кечани кунга, кунни тунга улаб меҳнат қилаётган, мамлакат тараққиёти учун тинимсиз ҳаракатда бўлса, шу билан бирга, маданият ва санъат аҳли учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиш режаларини ҳам илгари сураётган бўлса, биз, ҳеч бўлмаганда, миннатдорлик ва шукроналик туйғуларимизни самимий ифода этишга қодир бўлишимиз керак эмасми?!

Бир вақтлар буюк тарихимиз ҳақида эркин гапириш, улғу аждодларимизни хотирлаш, дин ва маърифат ҳақида фикр билдириш, адолат ва ҳақиқатни талаб қилишнинг ўзи катта жасорат саналган давлар бўлди. Бугун фикр эркинлиги қарор топган, тил ва дил қулфлари ечилган бир шароитда масъулиятни унутиб, ҳар қандай фикрни уйламай айтивериш тўғримиқан?!

Мана шу саволлар кишини хавотирга солади.

Тўққиз йил аввал қалбимдаги шодлик ва ҳайрат билан маданият ва санъат соҳасидаги дардларимни қоғозга туширган эдим.

Бугун эса мамлакатимизда ижод аҳли учун яратилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни кўриб туриб, баъзан уларнинг қадрига етишда оқсаётганимиздан изтироб чекаман.

Бу сафарги анжуманда ижод аҳли номидан уэр сўраб, тинч осмон, осойишта ҳаёт ва кўнгил меҳнати билан шуғулланиш бахти учун самимий миннатдорлик билдиришга журъат тополмаганимдан афсусдаман. Шунинг учун бу сатрларни таассуф ила узрхоҳлик сифатида қоғозга туширяпман.

Мамлакатнинг раҳбари ҳар қандай соҳада муваффақият қозongan ватандошимизни чин дилдан қадрлайди. Ким бўлишидан қатъи назар, Ватан шарафи учун хизмат қилган инсонни эъзозлайди. Бунинг яққол мисолини яқинда яна бир бор кўрдик.

Канн шахрида ўтказилган XVII халқаро инклюзив фильмлар фестивалида ўзбек ёш киноижодкорлари Сухроб Қодиров ва Дилшод Усмонов яратган “Қадам – Қуёш боласи Юсуф” қисқа метражли фильми Гран-при мукофотига сазовор бўлди. Бу хабар етиб келиши биланоқ давлат раҳбари томонидан улар “Келажақ бунёдкори” медал билан тақдирланди. Ёш ижодкорларга янги фильмлар яратиш учун бир миллиард сўмлик ваучер ажратилди. Шу билан бирга, уларни юртга қайтиш чоғида муносиб қутиб олиш юзасидан ҳам махсус топшириқ

“Қайси миллат-нинг адабиёти бой, муסיқаси юракка яқин, театри ҳаётий, ки-носи таъсирчан, санъати жозибадор бўлса, ўша халқнинг овози дунёда баланд эшитади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ

берилди. Бу воқеа икки ёш киноижодкор учун эртакмонанд ҳодиса бўлиб туюлгани табиий. Зеро, бундай эътибор ва эъзозни ҳатто энг меҳрибон ота-она ҳам ҳар доим намоен эта олмайди.

Муқаддас китобларда инсон зоти ҳақида чуқур маъноли бир ҳикмат бор. Унга кўра, Яратган ўн саккиз минг оламни, бутун наботот ва мавжудот дунёсини бунёд этган, аммо уларнинг барчасидан инсонни азиз ва мукаррам қилиб яратган. Шу боис, инсонга тафаккур, тил, ҳиссиёт ва руҳий кечинмалар неъмат ато этилган, унга улғу мартаба берилган. Инсоннинг ана шу юксак мақомга муносиб яшаши учун муқаддас китоблар нозил қилинди, пайғамбарлар юборилди. Бу китобларда нафақат ҳаёт йўллари, балки инсонлик шарафига муносиб бўлиб яшаш қоидалари ҳам баён этилди. Кейинчалик уларни шарҳлаб, мазмун-моҳиятини англатиб берадиган олиму уламолар етишиб чикди, улкан илмий ва маърифий меърос яратилди.

Ақл ва тафаккур тараққиёти йўлида не-не кашфийётлар қилинди, инсониятнинг маънавий ва моддий олами кенгайди. Демак, инсонлик мартабаси ҳам муттасил юксалиб борди ва бу жараён хануз давом этмоқда. Башарият тафаккури яратган **қомил инсон, баркамол шахс** ҳақидаги ғоялар барча замонларнинг энг улғу орзу-маслағи бўлиб қолаверди.

Шарқ фалсафаси талқинида инсон Аллоҳнинг нуридан бир зарра сифатида келиб, маънавий камолот орқали яна ўша қомиллик манбаига интилади. Ана шундай юксак фазилатларни эгаллашга интилган инсон, табиийки, ер юзида халқ тақдирини учун масъул бўлган олий раҳбар шахсига нисбатан ҳам муносиблик мартабасига кўтарилмоғи лозим.

Зеро, таъкидлаганимиздек, Давлат раҳбари билан мулоқот қилиш, унга ҳамсуҳбат бўлиш, ўз фикрини мамлакат тақдирига дахлдор минбарда билдириш ҳам ҳар кимга насиб этавермайдиган шараф ва масъулиятдир. Бунинг ҳам ўзига хос маънавий рутбаси бор.

Таассуфки, баъзан тўқинчилик, осойишталик, тинч, фаровон ҳаёт фуқаронини сергакликдан маҳрум этиб қўяди. Гўёки мамлакатда барча вазифани фақат Президентнинг ўзи бажариши керакдек туюлади. Ҳолбуки, ҳаётнинг оддий ҳақиқати шуки, ҳар ким ўз вазифасини виждонан ва профессионал даражада бажарсагина, уму-

мий муваффақият таъминланади.

Афсуски, биз атрофимизда ва бутун глобал дунёда кечаётган жараёнларни кўриб, кузатиб турган ҳолда, мустақил фикр юритиш, мавжуд ижтимоий, маънавий ҳаёт, вазиятларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳолис ҳулоса чиқаришга етарлича эътибор қаратмаяпмиз.

Ахир, асосий муаммо шунда эмасми?! Кўп ҳолларда ваколатли идоралар доирасида, ҳатто ундан ҳам қуйроқ бўғинларда ҳал этилиши мумкин бўлган оддий, баъзан эса ўта жўн масалалар билан ҳам “имкон топилди” деган баҳонада тўғридан-тўғри Юрт раҳбарига юзланиш ҳолатлари учраб турибди. Юксак майдонларда микрофон талашшигача бориб етган бу каби ҳолатлар, очигини айтганда, кишини ўйга солмай қўймайди: уят эмасми бу?!

Ваҳоланки, кимнингдир концерти, киноси, китобининг қалам ҳақи ёки маданият муассасасининг категорияси каби оддий ташкилий масалалар ҳам тегишли идоралар даражасида, йўлакай ҳал этилиб кетиладиган юмушлар-ку?! Шундай экан, ҳар бир масалани юқорига кўтариб чиқиш, шошма-шошарлик билан масъулиятни бошқалар зиммасига юклаш қанчалик тўғри?

Ўзбекда бир ҳикмат бор: жўнгина бир муаммо туғилиб, беҳуда шов-шув ва асоссиз мижора келиб чиқса, “шунга ҳам ота гўри қозихонами?!” деб нуқта қўйилади. Шу кунги издиҳом ва муҳокамаларда иштирок этган турли соҳалардаги мутасадди раҳбарлар ҳам айнан шундай ўйга борган бўлса, ажаб эмас, наздимда.

Бу ҳолатнинг туб илдизи эса кўп жиҳатдан билим, тушунчалар торлиги, санъат аҳлининг ўз дунёқараши устида фикр юритмаслиги ва ижтимоий-сиёсий малака етишмаслиги, масалалар юзаси ёндашув билан боғлиқ, деб ўйлайман. Чунки муаммонинг моҳияти чуқур англанмаса, у албатта, нойўн талқин этилади, ортиқча шов-шувга сабаб бўлади.

Ачинарлиси шундаки, кўп ҳолатларда санъат соҳасида савия масаласи жиддий эътибор талаб қиладиган нуқтага айланиб бормоқда. Айрим кўринишларда у бир томонлама, мазмун ва бадий қиймати етарлича чуқур бўлмаган йўналишга оғиб қолаётгандек таассурот уйғотади. Демак, бу ҳақда жиддий мулоҳаза юритиш вақти келди.

Соҳа раҳбарлари санъат аҳли учун ижодий шароит яратиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш билан бир қаторда, фикрлаш маданияти, нутқ маданияти ва мулоқот савиясини ҳам шакллантириш ҳақида қайғуришлари лозим. Чунки истеъдоднинг ўзи етарли эмас. Уни маънавий савия, билим ва тафаккур бойлиги тўлдириб туриши керак.

Президент билан мулоқот қилиш маданияти ҳақидаги масала фақат санъат аҳлига эмас, балки бутун жамиятга тааллуқлидир. Давлат раҳбарига муносиб бўлиш, юрт тақдирини ҳақида масъулият билан фикр юритиш, юксак маънавий ва фуқаролик маданиятини намоен этиш – бу ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Яна куни кеча қаторларимизни тарк этган закий замондошимиз Иброҳим Ғафуровдан иқтибос:

“XX асрнинг доврүкли парapsиxологларидан бири... Журжи Гуржиев ўз асарларида “Инсон-машина” деган ғояни илгари суради... Одам машина бўлса, унинг ҳуши, ҳиссиётлари-чи? – деймиз. Одам, ахир, тўқсон фоиз ҳиссиётлар, кечинмалардан ташкил топади-ку! Ҳиссиётлар одам машинани тўхтовсиз ҳаракатга солувчи, унинг барча ҳаракатларини маъноли-маъносиз қилувчи куч-қудратдир.

Мана шу ҳис-кечинмаларнинг куч-қудратига қараб туриб, Амир Низомиддин Алишер Навоий одамдан одамийлик қидиради. Одам яратилиши, борлигининг маъносини унинг одамийлигига кўради. Одамийликка эътиқод қиладди. Навоий доим таъкидлаб келтирадиган унинг ёзул ёзулларидидаги одамийликни биз бугун мустақил миллат каби бунёд бўлаётиб маънавийлик деб англамоқдамиз ва билмоқдамиз.

Одам авлодида камдур одамлик шеваси, Одам эрмас улки майли

одамизод айлағай...

Бошқа ўринда бу фикрнинг яна бир қиррасини очади:

Ҳеч иш ўлмас айру холиқ амридин, Илтижо махлуққа келтурма кўл...

Навоий одамийликнинг мазмунини элга хизмат қилишда, эл огирини ениел қилишда, эл юкини кўтаришда кўради.

Биз бугун маънавиятли халқ, маънавиятли миллат, маънавиятли инсон ва шахс ҳақида орзу қилияпти. Тараққиётнинг омилини шунда кўряпмиз”.



МАРТАБАСИ

Ҳа, улуғларимиз огоҳ этганидек, маънавиятдан айро тушиб, махлуққа айланиб қолмайлик? Инсонлик мартабасига етишиб, Юрт раҳнамосига муносиб бўла билиш мартабасига ҳам кўтарилайлик. Шунда миллий бирлик, миллий муштаракликка эришамиз. Шунда Ўзбекистон Президентининг даъваткор қақирғи қалбларда мудом акс садо бераверади: **“Бир бўлсак – халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!”**

Энди санъат ва санъатшунослигимизнинг айрим масалалари ҳақида. Мустақиллик майдонининг кириш қисмида жойлашган бинолардан бири – Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтидир. Қарийб бир аср муқаддам Самарқандда Абдурауф Фитрат ташаббуси билан ташкил этилган мазкур илмий муассаса миллий маданият ва санъатимизнинг барча йўналишларини тадқиқ этиб келаётган энг нуфузли илмий марказлардан бири ҳисобланади.

Унинг тарихида мамлакатимизнинг кўп-

лаб, 30-35 ёшгача бўлган истеъдодли ёшларни ижодий жамоаларнинг камида ярмини ташкил этадиган даражага олиб чиқиш мумкин. Чунки санъат ҳам тирик организм кабидир. Унда тажриба ва янгиланиш, анъана ва изланиш, устоз ва шогирд нафаси бир вақтнинг ўзида яшаб турмас, ҳақиқий тараққиёт юз бермайди.

Шу ўринда яқин ярим асрлик маданий ҳаётимиздан бир воқеани эслаш ўринли бўлади, менимча. Балки у бугунги мулоҳазаларимиз учун муайян сабоқ ва огоҳлик вазифасини ҳам ўтар.

Ўзбек театр санъатининг йирик намоёндаларидан бири, машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошев ижодий фаолияти давомида икки бор катта театрлардан ихтиёрий равишда кетган эди. Аввал ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида Ҳамза (*Миллий академик драма*) театридан, кейин эса 2000 йиллар бошларида Аббор Ҳидоятлов номидаги (*Ўзбек давлат драма*) театридан бутунлай воз кечди. Эътиборлиси шундаки,



лаб машҳур олимлари фаолият юритган: Пўлат Зоҳидов, Исоқ Ражабий, Файзулла Кароматли, Мухсин Қодиров, Розия Каримова, Эдвард Ртвеладзе, Тўхтасин Ғафурбеков, Рафъул Тоқтош, Тамара Визго ва бошқалар. Институт фондида энг қадимги даврлардан тортиб бугунги кунгача бўлган маданий жараёнларга оид улкан архив ва илмий материаллар жамланган. Қўлёзмалар, тадқиқотлар, ноёб ҳужжатлар, фото, фоно ёзувлар, санъат фольклори намуналари бу ерда сақланмоқда. Айниқса, миллий санъат тарихи, назарияси ва танқидчилиги соҳалари айнан шу илмий мактаб негизда шаклланган. Бироқ бугун мазкур муассасанинг илмий ва маънавий салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилаётганини айтиш қийин.

Ваҳоланки, ҳар қандай санъат асари, аввало, танқидий таҳлилдан ўтиши, илмий баҳоланиши, сўнг тарихий ва назарий жиҳатдан ўрганилиши лозим.

Ҳозирги кунда театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, хореография, цирк, музика, маком ва бошқа соҳаларда яратилаётган асарларнинг катта қисми чуқур таҳлилсиз, профессионал баҳосиз оммага тақдим этилмоқда. Бу эса баъзан савияси паст, ҳаваскорлик даражасидаги асарларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда. Натижада нафақат оммавий маданият, балки оломончилик руҳидаги махсулотлар аудитория дидига таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат умуммиллий маданиятимиз учун жиддий муаммолардан биридир.

Яна бир муҳим масала театрлар фаолияти билан боғлиқ. Бугун мамлакатимизда қирқдан ортиқ давлат театри фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ижодий таркибида кўп йиллик тажрибага эга актёрлар, режиссёрлар, рассомлар ва бошқа мутахассислар меҳнат қилмоқда. Бу, албатта, катта маънавий бойлик. Бироқ ҳар қандай ижодий муҳитнинг тараққиёти учун авлодлар алмашинуви ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар бу жараён табиий ворислик асосида кечса, санъат янада бойийди.

Шу нуқтага назардан қараганда, катта тажрибали, фахрий ижодкорларнинг меҳнати ва макomini сақлаган ҳолда, театрларда ёшлар улушини сезиларли даражада ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, катта тажрибага эга ижодкорларни штатда сақлаб ёки шартномавий асосда фаолият юритиш имконияти билан таъмин-

у яна бошқа йирик театрға эмас, балки нисбатан кичик ва экспериментал йўналишдаги “Дийдор” театр-студиясига раҳбарлик қилишни маъқул кўрди. У ерда истеъдодли ёшларни йиғди, саралади, кашф этди, турли ижодий тажрибаларни амалга оширди ва ўзи орзу қилган янги театр авлодини тарбиялашга бел боғлади.

У доимо бир фикрни такрорлар эди: театрнинг қони ҳамиша янгиланиб туриши керак. Театр, аввало, ёшларнинг майдони бўлиши лозим. Шу ғоя йўлида у катта саҳналарнинг шон-шавкатидан кечиби, мўъжаз театр-студия муҳитини танлади. Дарвишона ҳаёт кечирди, аммо ижодий эркинликдан воз кечмади.

Жаҳон театр амалиётида ҳам бунга ўхшаш қизиқ тажрибалар кўп учрайди. Масалан, Лондонда қайта тикланган машҳур “Глобус” театрини олайлик. У Шекспир хотирасига эҳтиром сифатида қурилган ва тарихий қиёфаси сақланган ҳолда фаолият юритади. Бу театрда маъмурият ва бошқарув тизими бор. Аммо доимий ижодий труппа йўқ. Актёрлар ва ижодий жамоа ҳар йили махсус танлов, кузатув ва саралаш асосида шакллантирилади. Улар билан бир йиллик шартнома тузилади. Шу муддат ичида ижодкор ўз маҳорати, профессионал даражаси ва янги бадиий изланишлари билан ўзини намоён эта олиши шарт.

Албатта, бу тажрибани тўлиқ ҳолда миллий театр муҳитига қўчириш қийин. Аммо, нега қирқта давлат театридан ҳеч бўлмаганда бир-икитасини экспериментал, жадидона ижодий лаборатория сифатида қайта ташкил этиш мумкин эмас? Ахир, ўз миллий тарихимизда ҳам бунинг ибратли намунаси бор-ку. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” асари саҳналаштирилган дастлабки даврларни эслайлик. Ёки Ҳамза Ҳакимзода Ниязий ташкил этган театр труппаларининг шаҳарма-шаҳар, қишлоқ-ма-қишлоқ юриби, халққа маърифат улашган фидокорона фаолиятини ёдга олайлик.

Бугун Республика Маънавият ва маърифат маркази амалга ошираётган “Маънавият қарвонлари” лойиҳаси ҳам аслида ана шу тарихий тажрибанинг замонавий кўри-нишларидан бири ҳисобланади.

Адабиёт ва санъат воситасида мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини, давлатимиз раҳбари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг мазмун-моҳиятини, юртимизда рўй бераётган улкан ўз-



Шухрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси,
профессор

гаришларни халқ қалби ва тафаккурига етказишнинг ҳали очилмаган имкониятлари жуда кўп. Бунинг учун эса ижодий муҳитда профессионал билим, доимий изланиш, тажриба қилишга тайёрлик, қопиллашган тасаввурлардан чиқиш, турли бюрократик тўсиқлардан кўрқмаслик, энг муҳими, журъат ва ташаббускорлик руҳи кучли бўлиши керак.

Афсуски, бугун “профессионаллик” деган тушунчанинг ўзи маълум маънода сийқаланиб бормоқда. Ҳар соҳада, ҳар бир ижодий ташаббусда ҳақиқий маҳорат ўрнига ҳаваскорликнинг турли кўринишлари урчиётганини кузатиш мумкин. Энг хавотирли жиҳати шундаки, баъзан бу муаммоларни ҳал қилиш вазифасини ҳам давлат ёки ҳукумат раҳбарларининг зиммасига юклаб қўйишга мойиллик пайдо бўлмоқда. Бу эса, аслида, масъулиятдан қочишнинг бир кўринишидир.

Ваҳоланки, Мамлакат раҳбари маданият, санъат ва адабиёт соҳаларининг ривожини учун барча имкониятларни яратиб берди. Бу бир ёки икки марта эмас, балки тизимли ва изчил равишда амалга оширилмоқда. Санъат ва маданият аҳли билан мунтазам учрашувлар ўтказилмоқда, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланимоқда, ҳатто зарур бўлса, хорижнинг илғор тажрибаси ва мутахассисларини жалб этиш таклиф қилинмоқда.

Бундан ортиқ яна қандай имконият бўлиши мумкин? Қалбида Ватан муҳаббати ва халқ тақдири учун масъулият туйғуси бор ҳар бир ижодкор бу ҳақда жиддий мулоҳаза қилиши лозим. Зеро, тобора глобаллашиб бораётган бугунги дунёда ўз миллий қиёфамизни, маънавий иродамизни ва маданий нуфузимизни сақлаб қолиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Акс ҳолда, жаҳон харитасида рангсиз ва таъсирсиз нуқтага айланиб қолиш хавфи бор.

Бу фикрларни ёзар эканман, яна бир савол ҳаёлимни банд этади. Ахир, адабиёт ва санъатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи нима ўзи? Фаровон ҳаёتمي? Тўқинчиликми? Ҳордиқ ва кўнгилоқчиликми? Албатта, инсон фақат меҳнат ва ташвиш билан яшай олмайди. Унга қувонч ҳам, ҳузур ҳам, дам олиш ҳам керак. Бироқ ҳақиқий ижоднинг манбаи булар эмас. Санъат аҳлининг қалбини ҳаракатга келтирадиган асосий куч бу – дард, дардмандликдир. Бобораҳим Машраб айтмоқчи:

*“Дилда дардине бўлмаса,
Сардафтаримни кавлама”.*

Бугунги ўзбек “аҳли нафосати” қалбида ана шу дард қай даражада яшапти? Наҳотки, моддий эҳтиёжларнинг қондирилиши, турмуш фаровонлигининг ортиши ижодкор қалбидаги дард туйғусига қулф солса? Ахир, қўшиқдаги нолакор оҳанг, шоир қалбидаги изтироб, драматургнинг изланиши, режиссёрнинг кечинмалари, актёрнинг саҳнадаги руҳий титроғи қаердан пайдо бўлади? Уларнинг барчаси дарддан туғилади. Лекин бу ерда гап очлик ёки муҳтожликдан туғиладиган дард ҳақида эмас.

Менимча, ҳақиқий ижодий дарднинг манбаи бошқа.

У – Ватан тақдири учун қайғуриш;
У – халқнинг маънавий қамолтини ўйлаш;
У – инсон қадри, миллат шаъни ва юрт келажаги учун юракнинг безовта уришидир.

Моддий фаровонлик танга ором бериши мумкин. Аммо, руҳий қувватни, маънавий қанотни, ижодий парвозни таъминлайдиган куч бошқа манбада яшайди. Инсонни инсон қилиб турган ҳам, ижодкорни ижодкор қилиб турган ҳам, аввало, унинг руҳий олами-дир. Зеро, тан ва вужудга ҳаёт бағишлайдиган қудрат қанчалик муҳим бўлса, миллат ва ҷамият ҳаётини юксалтириб турадиган маънавий қудрат ҳам шунчалик беқиёс аҳамиятга эгадир.

Асрларнинг маёғини кўра билган улуғ ўзбек файласуф шоири Ғафур Ғуломнинг башорат йўсинидаги даъваткор сатрлари мақолаимизга сўнгги нуқта бўлади, шояд:

“Сафлар олдида бўл,

*мард бўл, ботир бўл,
Дўстларга ҳамоҳана жўра бўл, жўр бўл.
Она юрт ҳурмати, Ватан ҳурмати,
Халқимнинг ҳурмати,*

ғолиб бўл, зўр бўл!”

МУНОСАБАТ



УСТОЗЛАРГА УНСИЯТ

Мен ўтаётган кунларимга нисбатан жуда соддаман ёки болаликнинг табиати ҳеч қўйиб юбормаган. Ҳозир ким ҳам устозларга унсият, уларга ихлос, ато этилган маънавий ворислик ҳақида Мусо Худо қаршисида тургандек туриб бош қотиради, дейсиз.

Устозим Омонилла Мадаев қазо қилишларидан бир неча кун олдин шифохонадан кўнғироқ қилдилар. Овозларида дард бор эди. Ташвишларимни енголмадим, боролмадим, бормадим. Армон юракнинг устига босилган тамгадек из қолдирди. Менда ҳали устозлар бор эди. Бундай армон яна мени доғда қолдирмасин деб, уни бўридек ангиб пойлаб юрдим.

Устозим Наим Каримов омонатни топширишларидан икки-уч кун олдин 4-5 мартаба хоналарига кириб чиқдим. Улар ҳозирги “Jadid” газетаси тахририяти фаолият юритаётган музей қанотида ўтирар эдилар. Устознинг муҳаррирлигидан чиққан охириги тўплам – “Жадид қўллийти” нашр вариантыга имзо қўйдирдим. Бу ишларни ҳеч қачон тўхтатиб қўймаглигимни тайинладилар. Кейин газета олиб чиқдим. Яна нимадир. Домла: “Ҳамма кетди, мен қолиб кетдим. Энди қўлимдан бир иш келмаса, нима қиламан бундай юрaverиб”, дедилар. “Домла, тирик юрсангиз, шунинг ўзи етади бизга”, дедим. Қўлларидан тутдим. Ғалати оҳангда: “Ҳеч ким билан бундай кўришмагандим”, дедилар. Атрофда менидан бошқалар ҳам бор, атроф тинимсиз гувиллаб турган эди.

Устозим Иброҳим Ғафуров мени бир ойдан бери қутаётган эдилар. Янги вазифа ва оғир мажбуриятлар остида узок йиллар давомида очилмаган хоналарни очилга, қўлёзма, тошбосма, архив ҳужжатларини бирма-бир кўздан кечирилганга тўғри келди ва бу асрлик ғуборлар нафас йўлларимга ўрнашиб олиб, анча қийнади. Устознинг азиз фарзандлари билан уларни бундай ғуборлардан эҳтиёт қилар, бектоб бўлсак, ёнларига бормас эдик. Ўша тонгда бир оғрик томоғимга қадалиб, қирралари ботиб, ишлагани қўймади. Устозга кўнғироқ қилиб, тушлик вақтида боришимни айтдим. Худойимнинг марҳамати мени дийдор томон ҳайдаб борди. Устознинг катта қизлари – Сўрайё олам қўтиб олдилар. Почмак ҳам шу ерда эканлар. Устоз айвонда ўз ўринларида ўтирган эканлар. Заррача ғубори йўқ оппоқ кийимларда, оппоқ сочили, оппоқ қошли, заррача оғрик ёки безовталиқ аломатлари сезилмаётган қўзлари қувонча тўла нуруний. “Оппоқ қийиниби олибсизми?” дедим қўлиб.

Опам “Адиам келишингизга оппоқ кийиниб, ясаниб чиқдилар”, дедилар менга шерик бўлиб. Ўн иккиларда борган бўлсам, икки-икки ярим соат суҳбатлашдик. Суҳбат мавзуси Адабиёт музейининг тарихи, ҳозирги ҳолати, кўчишининг оғриқли ташвишларию у ердаги бойликларни сақлаб қолиш масаласи бўлди. Устоз кўпроқ сўзларимизга қўпоқ солиб ўтирдилар. Ором, сакина ва ташвиш тўла дунёдан келган бир шогирднинг хавотирлариға тўла эди хона. Опам дастурхонга дўлма тортдилар. Устоз қайта-қайта, “алҳамдулиллаҳ”, “Худога шукур”, дея ҳар лўқманинг шукрини келтириб едилар. Қовун қўйилди, Устоз бир қарчини қўлимга тутқаздилар. Қизларидан гилос сўрадилар. Кеча олиб келинган гилослар бироз буришиб, янада маза кирган, бироз тахир, аммо жуда хуш ёқадиган таъмга эга эди. Кейин кетишга рухсат сўрадим. Устоз бутун ҳаётимни тўлдирадиган дуо қилдилар. Бу дуо ичимда қолди ва Яратганининг изни билан япроқ ёзиб униб чиқажак. Кетдим. 5-10 дақиқа ичида ҳеч қандай жисмоний оғриқларсиз омонатни топширибдилар.

Эртасига уйлариға бордим. Устознинг



Шаҳнозахон НАЗАРОВА,
Алишер Навоий номидаги давлат
адабиёт музейи директори,
филология фанлари
доктори

жон фарзанди – Зулайхо опам “Адамни қаерга олиб кетиб қолдингиз”, деб бағирларига босиб, қўтиб олдилар... “Охири гаплашган одами сиз экансиз – адам нима дедилар?” Нима ҳам дердилар, сизларни жуда яхши кўрар эдилар. Қаерга ҳам олиб кетар эдим, мен ўзим ҳали у манзил-мақомларга етмадим. Иброҳим, Исо, Айюб алайҳиссалом ҳаётларидан ўз ҳаётларига ибрат ва қаноат топар эдилар. Навоий, Ҳомер, Данте, Гёте, Хемингуэй, Толстой, Бетховен, Достоевскийлар билан бу дунёдаёқ даврадош эдилар. Муҳтарам ота-онаси, тоғалари, опаларига соғинч билан ошиқан эдилар...

Устоз ҳаётлигида асарларининг бир қисмини академик йўсинда эълон қилишга эришдик. Бу мукаммал нашр ҳам илмий, ҳам адабий, ҳам таржима асарларни қамраб олиши керак бўлган ноёб ҳодиса эди. Мазкур нашр 25 жилдга мўлжалланган ва ҳар бир жилднинг мундарижасини Устознинг ўзи билан бирга ишлаб чиққандик. Ушбу нашрни тайёрлашда шу вақтга қадар чоп этилган ва муаллифнинг ўзи томонидан қайта кўрилиб, тахрирдан ўтказилган барча китоблари, таржималарининг илк нашрлари асос қилиб олинди.

Дастлабки саккиз жилд – “Асарлар” – “Адабиёт дунёси” дея аталаётган умумий ном остида бирлашган бўлиб, унга Устознинг 1960 йиллардан то бугунга қадар эълон қилинган барча муаллифлик асарлари, тадқиқотлари, шунингдек, адабий суҳбатлар ҳам киритилди ва чоп этилди.

9-25-жилдлар таржима танқидига оид рисола ва сараланган таржима асарларни ўзи ичига олиб, “Таржима дунёси” деган умумий ном остида чоп этилиши режалаштирилган эди. Аммо бу ишни ханузгача амалга ошира олмадик. Эҳтимол, 26-жилд қўндаликлар ва хатлардан иборат бўлар. Аммо у омонат қўндаликлар, хатлар, янги китоб учун жамланган папкалар, Достоевскийдан қилинаётган, бироқ охирига етмаган янги таржималар, умуман, улкан фикр эгаси, йирик адабиётшунос олим, йирик таржимон, ёзувчи, шоир, журналист ва жамоат арбоби Иброҳим Ғафуровнинг мероси, шахсий архивининг ҳисоби қанча? Устоз ва опаларим ҳамроҳлигида китобларнинг бир қисмини кўрганман, у бир қисм ҳам – дунёнинг китоби. Устоз Тешикқопқадаги ота ҳовлиларига олиб бориб, “Устозингизнинг талаба-лиқдаги ғариб ҳаёти қаерларда кечганини кўринг”, дея, у ердаги яшаган жойлари, китобларини ҳам кўрсатмоқчи эдилар. Уларнинг салмоғи қанча экан? Бу меросни ўрганиш, тақдим этишнинг энг муносиби йўллари ўз вақти билан ишлаб чиқилади. Ундан олдин қад кериб турган Адабиёт музейи бу архивни қабул қилиб, таснифласа, ҳисобини олса, асраш, тадқиқ этиш ҳамда нашр этиш ишлари тизимли амалга оширилар эди. Зеро, музейнинг “Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архиви” фондининг бош вазифаси ҳам шу. Биз ҳам шогирдлик бурчини адо этар эдик. Устоз худди Омонилла Мадаев, Наим Каримов каби бу манзилларга меҳр қўйган, бизни ҳам бу маконларга муҳаббатли қилиб тарбиялаган эдилар.



“
Инсон идроки Ер шарига ўхшайди: унинг
ярми чароғон, ярми эса зулмат қўйнида.
Максимилиан РОБЕСПЕР

”



ОЛАМ ОЛИМИ



КЎЗ ИЛҒАМАС КАШФИЁТ

“Электронлар фотосуратчиси” номи билан машхур Анн Л’Юилье замонавий физиканинг энг нуфузли олимларидан бири ҳисобланади. У электронлар ҳаракатини кузатишга имкон берган илмий тадқиқотлари орқали дунё илм-фанида катта бурилиш ясади ва ушбу ютуғи учун Нобель мукофоти билан тақдирланди.

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Физикада шундай ҳодисалар борки, улар инсон тасаввуридан ҳам тез кечади. Атом ичидаги электронлар ҳаракати ана шундай сирли жараён. Француз ва швед физиги Анн Л’Юилье бутун илмий фаолиятини айнан шу кўринмас оламни кўришга бағишлади. У 1958 йил 16 августда Париж шаҳрида туғилди. Илк илмий қадамларини математика пиллапоаяларидан бошлади. Фонте-не-о-Роз шаҳридаги Олий Нормал мактабда таҳсил олар экан, аниқ фанларга меҳри уни физика сари етаклади.

1986 йилда CEA Saclay илмий маркази ва Париж VI университетда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг илмий дунёқарashi шаклланишида Нобель мукофоти соҳиби Клод Козн-Таннужи муҳим ўрин тутди. Франция, Швеция ва АҚШдаги илмий марказларда тўпланган тажриба унинг кейинги йирик кашфиётларига замин яратди.

1994 йилда Швецияга кўчиб ўтди ва Лунд университетиде фаолиятини давом эттирди. Орадан кўп ўтмай университет профессорага айланди ва аттосекунд физикаси бўйича дунёдаги етакчи олимлар сафидан жой олди.

КАШФИЁТ МАЗМУНИ

Бир сонияни миллиардга, кейин яна миллиардга бўлсангиз, ҳосил бўлган улуш аттосекунд деб аталади. Электронлар айнан шундай қисқа вақт ичида ҳаракат қилади. Узоқ йиллар давомида олимлар бу ҳаракатни фақат назарияда тасаввур қилар, аммо уни кузатишнинг иложи йўқ деб ҳисоблашарди. Анн Л’Юилье эса бу тасаввурни ўзгартирди. 1987 йилда у юқори интенсивликдаги лазер нурлари таъсирида инерт газларда юқори тартибли гармоникалар ҳосил бўлишини кузатган илмий гуруҳ таркибиде ишлади. Бу натижа кейинчалик аттосекундлик импульсларни яратиш сари ташланган ҳал қилувчи қадам бўлиб чиқди. Л’Юилье нафақат ушбу ҳодисанинг назарий изоҳини берди, балки унинг имкониятларини ҳам биринчи бўлиб англаган олимлардан бири бўлди. 1992 йилда Европадаги илк титан–сапфир фемтосекундлик лазер тизимларидан бирини яратиши ишларида иштирок этди. 2003 йилга келиб унинг илмий жамоаси 170 аттосекундлик лазер импульсини ҳосил қилишга эришди. Бу натижа инсонга электронларнинг ҳаракатини гўёки ўта тезкор камера орқали кузатиш имконини берди. Бугун ушбу технологиялар квант физикаси, кимё, материалшунослик ва янги авлод электроникасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

2023 йилда Анн Л’Юилье Ференц Краус ва Пьер Агостини билан биргаликда моддадаги электронлар динамикасини тадқиқ қилиш имконини берган аттосекундлик ёруғлик импульсларини яратиш соҳасидаги улкан ҳиссаси учун физика бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Унинг илмий хизматлари Вольф мукофоти, L’Oréal–UNESCOнинг “Илм-фандаги аёллар учун” мукофоти, Макс Борн мукофоти, BBVA Foundation Frontiers of Knowledge мукофоти каби кўплаб нуфузли эътирофларга лойиқ қўрилган.

Аттосекундлар оламини очган бу олима замонавий физиканинг энг ёрқин намоёндаларидан бири сифатида тарихдан муносиб ўрин эгаллади.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

Бошланиши 1-саҳифада.

Бунда асосан, биз мутахассислар, яъни Монтеessori гидлари кичкинтойларнинг нафақат ақлий, балки жисмоний, ҳиссий ва ижтимоий томонлама тенг ривожланишига бор эътиборимизни қаратамиз. Комил натижага эришиш учун бизда бола учун тайёрланган муҳит ва етук мутахассис бўлиши зарур. Олдиндан тайёрланган ўқитувчи гўдакнинг ривожланиш даврлари, унга қачон нима кераклиги, қандай айрича қизиқшлари борлигини кузатиши ва уларни таҳлил қилиб, ҳар бир болага индивидуал режа тузиши шарт. Биз айтётган муҳит бешта ҳудуддан иборат. Синфхонамиз болаларнинг маънан ва жисмонан тўқис ривожланишига мос бўлиши шарт. Яъни, мебеллар баландлиги болаларнинг кўз даражаси бўйича ўрнатилиб, бирор ашар улар қўли етмайдиган, тополмайдиган, ололмайдиган жойда бўлмайди. Биринчиси, амалий ҳаёт ҳудуди дейилади. У ерда кичкинтой ҳаётий машғулотлар – қошиқни ушлашдан тортиб, столни артишгача, ҳеч кимнинг ёрдаминосиз овқатланиши, кийиниши, хаттоқи уст-бошини ўзи юйиб дазмоллаши, қорни очган пайтда салат тайёрлаб ейиши мумкин.

– Кўпчиликда Монтеessori болаларга фақат уй ишларини қилишни ўргатади, деган тасаввур бор экан...

– Бу нотўғри қараш. Бола ўзига-ўзи хизмат кўрсатганда мустақиллик кўникмаси пайдо бўлади. Қолаверса, диққатини кўпроқ вақт жамлашни ўрганади. Айниқса, ўзига бўлган ишончи шаклланади. Яъни, ҳаммасини мен ўзим уddалай оламан, ҳеч кимга ялиниб ўтиришни шарт эмас, хоҳлаган жойимга бора оламан, деган фикр мурғакнинг келажақда ўзига ишонган ва мустақил фикрлайдиган шахс бўлиб етишишига ёрдам беради.

Бизда олма кесиш, бир чиққдан чиқмасдан юриш каби кўплаб машғулотлар бор. Болалар ҳовли ва полларни супуришда, гулларга сув қуяди, овқатланиш пайтида ҳам дастурхон ёзишдан тортиб, идишларни ювишгача бўлган барча ишларни ўзлари қилишади. Бир қарашда булар оддий уй юмушларига ўхшаб кўриниши мумкин. Аммо мева кесаётганда бола пичоқни қандай ушлашни, тўлиқ босганде қўли, билгаи, бармоқларини қандай ишлатиш кераклиги, қўл ва кўз координацияси, кичик ва катта моторикасини ривожлантиради. Бола ҳамма амалий ҳаёт материаллари билан такрорий шўғулланиши зарур. Бу миъда янги нейронлар ҳосил бўлиши ва бир-бири билан уланишида жуда муҳим. Монтеessoriда биз болаларни сабр-тоқатга, ўз-ўзини назорат қилишга, бир ишни охиригача етказишга, такрор орқали диққатни жамлаш ва маҳоратга ўргатамиз.

Сенсорикада эса бешта сезги органини нозик қархлаймиз. Бу дегани – кўзда визуал, қўлоқда овоз, тилда таъм билан ҳис қилиш, бурунда олфактор, қўл билан ҳис қилиш сезгиларни фаоллаштирамыз. Тўғри, бола буларни аввалдан билади. Лекин биз сенсорикада шу мавҳум тушунчаларни номлашга ўргатамыз.

Маданият ҳудудида эса бола ўзи яшаб турган жойи, даврига мос, география, санъат, астрономия, биология, зоология каби билимларни эгаллайди. Ҳайвон турлари: умуртқалилар, судралиб юрувчи, сут эмизувчи, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатамыз. Ботаникада табиатни, барглр тури, гулларнинг номини ўрганиб, амалий машғулотда гербарийлар қиламиз улардан. Тасвирий санъат намуналарни, наторморт, миниатюра жанрлари ва буюк рассомларни ўргатамыз. Камолитдин Беҳзод, Пикассо ким бўлгани ҳақида болалар билан суҳбатлашамиз.

МОНТЕССОРИ ФАҚАТ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБМИ?

– Сиз айтётган ишларни бажаришга кичик ёшдаги болаларнинг тоқати етадими?

– Болаларимиз ҳатто, математика ўқиб ҳам чарчаб қолдик, дейишмайди. Чунки математика дарсларида мавҳум нарсалар материаллаштириб борилади. Мисол учун, бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликни ифодалайдиган деталлар бор. Кичкинтойлар уни бемалол ушлаб ва кўтариб кўролади. Ҳаммаси илмий асосланган. Болалар материалларимиз ёрдамида тўрт ё тўрт ярим ёшда қўшиш, айириш, кўпайтиришни бемалол ўргана олади.

Яна тил майдонини мавжуд. Унда кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзлардан тортиб, мурраккаб сўзларни ўқиш ва эргашган қўшма гапларни морфологик билиб олиши мумкин.

– Демак, Монтеessori синфида фарзандларимиз бoғча ёшидаёқ мактабда ўргатиладиган билимларни ҳам эгаллаши мумкин экан-да?

– Бу метод шунақаки, бола икки ярим ёшда мактабга келса, уч-тўрт йиллик дастуримизни тугатгач, математикада етти хонали сонларни қўшиб, айириб, кўпайтириш, ҳатто каср сонларни ҳам қўшиш, айириш, кўпайтириш, она-тилида эргашган қўшма гапларни таҳлил қила олиш кўникмасига эга бўлади. Асосийси, ўзига-ўзи тўлиқ хизмат кўрсатиши ва бошқаларга ҳам ёрдам берилиши мумкин, ашаётган қитъаси, давлатлар номини, байроғини, пойтахтларини, яхши кўрган ҳайвонларининг тури, хусусиятларини тўлиқ ўрганади.

– Бугун эрта ривожлантириш атамаси ота-оналар ўртасида урф бўлди. Эрта ривожланиш – эрта таълимми? Кўпчилик буни мактаб ёшигача ёзиш, ўқишни билиш, деб тушунади. Болаларни эрта ривожлантириш бугун қай даражада зарур?

– Одамларимизда икки хил фикр бор. Баъзилар уч ёшгача барча билимларни бериш керак деса, бошқалар ҳеч нарса ўргатмаслик керак, бола ўзи ривожланади, ҳеч нарса қилиш керак эмас, деб ҳисоблашади. Монтеessori эса мўътадил тизим. Бизда бола ривожланиши учун барча шароит яратилиши лозим. У хоҳласа расм чизиши, хоҳласа ўйнаши, хоҳласа математикадан мисол ечилиши керак. Муҳими, бола қизиққан иши билан шўғулланиши шарт. Бунда болага фақат йўналиш берилади, кузатиб борилади. Босим ўтказиш, жисмоний ва психологик таъйиқлар асло мумкин эмас.

– Монтеessori мактабиде кўп вази-фалар ўйин сифатида ўргатилар экан. Уйин билан шунчалик катта натижаларга эришиш мумкинми?

– Биз доим “иш” деб гапирамыз. Ҳеч қачон: “Болалар, юринглр, ўйин ўйнаймиз”, дейилмайди. Монтеessoriда ўйинчоқлар йўқ, фақат материаллар бор. Масалан, ҳақиқий қайчи, ҳақиқий сават, ҳақиқий кўзаларни ишлатамыз. Буларнинг ҳаммаси шиша, металл, чиннидан қилинган. Ўз вази-фасини бажара олмайдиган нарсаларни эса ўйинчоқ деб аташ мумкин. Тўғри, булар катталар наздида оддий машғулот, лекин

болалар учун ҳақиқий меҳнат, ўзини-ўзи қуриш, шахсиятини яратиш. Бизнинг мақсадимиз келажақда олимларни етиштириш эмас, бахтли, ўзига ишонган ва кенг дунёқарашли инсонлар тарбиялаш. Монтеessoriчилар ичида буюк шахслар кўп. Мисол учун, машхур ёзувчи Габриэл Гарсиа Маркес, фейсбук ҳаммуассиси Марк Зуккерберг, Жефф Безос (Амазон), Ларри Пейг (гугл)ларни санаш мумкин. Англия қироллик оиласи қиролчида Дианадан бошлаб, барчаси Монтеessori мактабиде таҳсил олган.

Дунёда олти миңта Монтеessori мактаби бор. Ҳар йили олти миллионга яқин ўспирин мактабни битиради. Уларнинг ҳаммаси ҳам машхур эмас, асосийси, битирувчилар ўз иқтидорини намоийш қилолган, ҳаётидан мамнун инсонлар.

– Бугун юртимизда халқаро мактаблар кўп. Бу мактаблардан тўғридан тўғри кўчириб олиш қанчалик ўзини оқлайди? Масалан, тил, маданият масалалари бор...

– Халқаро мактаблар кўпайишининг жуда кўп яхши тарафлари бор. Инглиз ёки рус тилини бола ёшлигидан равон, ўз она тилидек ўрганади. Тўғридан-тўғри Оксфорд, Кембриджда ўқиб, халқаро даражада тадқиқотлар қилолади. Дунёдаги барча илмий изланишлар, мақоалалардан хабардор бўлади. Шу билан биргаликда, танганинг иккинчи томони ҳам бор. Халқаро стандартларда ишлайдиган мактаблар биринчи ўринда ўрганилаётган тил ва маданиятни илгари суради. Монтеessoriда эса бундай тушунча йўқ. Бизнинг методда бола қайси давлатда, қайси жойда, қайси даврда туғилган бўлса, ўша даврга мослашиши шарт. Бола туғилиб ўсган қитъа биринчи ўргатилади. Ўша жойдаги фасллар, яшаш тарзи, одоб-ахлоқ, маданият, ота-она, оила аъзолари билан муносабат кўникмаси синдирилади. Боланинг мурғак онги фарқни тушунагани учун қайси тилни ўрганса, ўша маданиятни қабул қилиб олади. Мактабимизда асосий тил ўзбек тили, қўшимча равишда инглиз ва рус тилларида таълим берилади. Ўқувчиларимиз Ўзбекистонда туғилиб ўсгани учун олти ёшгача биринчи навбатда ўзбек тилини ўрганиши шарт қили бўйилган. Бизнинг тилимиз жуда бой. Бу тилни гузал қилиб кўрсатиш эса бизнинг вазифамиз. Агар кичик ёшда ўзбек тили ўргатилмаса, бола ҳеч қачон ўзбекона фикрлай олмайди.

– Монтеessori мактабларида экран вақти йўқми?

– Мактабимизда болаларга гаджетлар бериш мумкин эмас. Уларнинг ҳаёт тарзида дастлабки олти йилда экран, телевизор, компьютер, телефон, планшет бўлмаслиги шарт. Чунки булар гўдакнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний, ҳам ҳиссий, ҳам нутқий ривожланишига бевосита зарар кўрсатади. Бола экран томоша қилаётганда пассив ҳолатга тушади ва жисмоний ривожланиши секинлашади. Яқинда виртуал аутизм ҳақида ўқиган тадқиқотимда экран болани ҳар хил невропсихологик омилларга олиб келиши мумкинлиги ёзилган. Натижада диққат



сусайиши, реал ҳаётга қизиқмай қўйиши, одамовилик ва тилда логопедик муаммолар пайдо бўлади. Сабаби, мультфильмда овоз колонкадан чиқади, оғиз очилиб-ёпилади холос. Боланинг нутқи жонли гаплашгандагина ривожланади. Чунки, инсон қай тариха нафас олиши ва қаерда тўхташини, лаб, тиш ҳаракатларини тўлиқ кўради.

Бола экрандаги кадрларни англай олмайди. Оддий сув қуйишни мультфильмда ўттиз сонияда кўрса, аниқ тушунмайди ва қайта-қайта кўришни хоҳлайди. Ҳаётда ҳам ўша нарсани қидиришни бошлайди, ўз-ўзидан ҳаракатлари тартибсиз кўриниш олади. Экрандаги қаҳрамонлар агрессив бўлса, уларга тақлид қилишни бошлайди. Масалан, шерга ўхшаб бошқаларга ўкириши, ташланиши мумкин.

– Чет эл мактабларидан нималарни ўрганиш керак?

– Улардан биринчи ўринда олишимиз мумкин бўлган нарса – болага инсон сифатида ҳурмат кўрсатиш, ўзи билан тенг ҳуқуқли кўриш, катта инсонлардай гаплашишдир. Мурғак гўдакларга босим ўтказиш, макр ишлатиш ва ёлғон гапириш мумкин эмаслигини англашмиз зарур. Бола жисмоний жиҳатдан таъйиқ ўтказмасак ҳам ривожланиши, айтганимизни қилиши, ўсиши, ўрганиши мумкинлиги хориж тажрибасида яққол кўринади.

– Ўтган асрда миллат болаларини саводли қилишга уринган, мактаб очиб дарсликлар яратган жадидларимиз фаолиятдан ҳам хабардормисиз?

– Ҳа, албатта. Биласизми, жадидларимиз орасида, айниқса, Мунаввар қори Абдурашидхонов менинг идеалимдаги қаҳрамоним. Уларнинг мактаб очиши, ўқувчилар учун дарсликлар яратгани, газета, театрлар орқали инсонларга зиё улашгани мени қаттиқ таъсирлантирган. Афсуски, барча ният, режаларига эришолмаган бўлсаларда, уларнинг миллат учун қилган ва қилмоқчи бўлган ишлари катта аҳамиятга эга. Ҳатто, мактабимизнинг номини танлашда ҳам уларга таянганмиз. Мунаввар қори Тошкентда очган янги усул мактаби кейинчалик “Намуна” номини олган. Биз ҳам мактабимиз келгусида очиладиган ўзбек Монтеessori мактабларига намуна бўлсин, деган яхши ният билан шу номни танладик. Латвиядан қайтишимга сабаб ҳам ўзбек болаларининг юқори сифатли таълим йўналишидан фойдаланишига ўз ҳиссамни қўиши эди.

– Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Сиз тилга олган миллат ойдинлари учун армонга айланган “таълими комил” нисбасига етишишингизга тилақдошмиз.

Мурасар ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

УЧ МАМЛАКАТ ҲУДУДИГА КИРМАНГ

“Европа Иттифоқи Авиация хавфсизлиги агентлиги” (EASA) баёнот беришича, авиакомпанияларга Эрон, Ироқ ва Ливан ҳаво ҳудудига кирмаслик тавсия этилди. Бу минтақадаги давом этаётган кескинлик ва янги ҳарбий ҳаракатлар хавфи билан изоҳланди. Бу ҳақда Al Arabiya хабар берди.



“EASA” тегишли огоҳлантириш 31 августгача амал қилишини маълум қилди. Агентлиkning тавсияси Эрон Ислон инқилоби қўриқчилари корпуси баёнотидан кейин эълон қилинди.

АҚШ–ИСПАНИЯ АЛОҚАЛАРИ УЗИЛДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп Испания билан барча савдо алоқаларини тўхтатишни буюрди ва уни НАТОдаги “даҳшатли ҳамкор” деб атади.



У тегишли баёнотни Анкарадаги НАТО саммити доирасида айтди. Бу ҳақда “The Telegraph” хабар берди.

ТРАНСПОРТ КИРИШИ ЧЕКЛОВИ

Қозоғистонда чегара орқали ёнилғини ноқонуний олиб чиқиб кетишга

чек қўйиш бўйича чора-тадбирлар амал қилмоқда. Бу ҳақда ҳукуматдаги брифингда энергетика вазири ўринбосари Кайирхан Туткишбаев маълум қилди, дея хабар берди “Tengrinews”.



Вазир ўринбосарининг сўзларига кўра, амалдаги чоралардан бири чегарадош давлатлардан транспорт воситаларининг киришига чеклов ўрнатиш бўлади.

“Ҳозирда чегарадош давлатлардан юк ва енгил транспорт воситалари Қозоғистон ҳудудига суткасига бир мартадан кўп бўлмаган миқдорда кириши мумкин бўлган чора амал қилмоқда”, деди у.




СУВ ОМБОРИ ЁРИЛДИ

Хитойнинг Гуанси провинциясида жойлашган Лиулань сув омборининг ёрилиши натижасида камида 39 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда ҳукумат маълумотларига таяниб, “Синьхуа” хабар берди.

Қайд этилишича, аини пайтда яна тўққиз киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Вазиятни сув тошқинларини назорат қилиш ва табиий офатлар оқибатларини тугатиш хизмати кузатиб бормоқда.

САРАТОННИНГ ЯНГИ ДАВОСИ

Америкалик олимлар саратон касаллигини жарроҳлик аралашувсиз 99 фоизгача даволайдиган усулни топишди.



Сониясига 40 триллион марта тебранувчи молекула ёрдамида саратон хужайраси зарарсизлантирилади. Бу янги усулнинг устунлиги шундаки, ўсимта бундай исканжадан қутулиб кетолмайди. Боз устига, маъзур муложа касаллиқнинг барча турларига қарши қўлланиши мумкин.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

1938 йил. Март ойининг охири. Москва. Сталин, Молотов, Каганович, Ворошилов ва Жданов имзоси билан навбатдаги қатл рўйхати тасдиқланди (ушбу рўйхат ҳозирда Россия Федерацияси Президенти архивида сақланади). Унда Ўзбекистондан 165 нафар шахс номи қайд этилиб, уларнинг 155 нафари биринчи тоифа билан отувга маҳкум этилган эди.

Орадан ярим йил ўтиб, 4-15 октябрь кунлари СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси Тошкент шаҳрида иш бошлайди. Бу ерда март ойида Москвада тасдиқланган рўйхатдагилар билан бир қаторда, тергови кейинчалик яқунланган бошқа ишлар ҳам кўриб чиқилади. Шу боис, архив ҳужжатларида сайёр сессия давомида жами 396 нафар маҳбуснинг отувга ҳукм қилингани тўғрисида маълумотларга дуч келамиз.

1938 йил 4 октябрь куни 52 нафар юртдошимиз устидан чиқарилган ҳукм ўша кечанинг ўзида Тошкентдаги махсус қатлгоҳда ижро этилди. Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги бош ҳарбий прокурори ёрдамчиси, биринчи макомдаги ҳарбий юрист Шульцан имзо чеккан бу ҳукмда, ўша эллик икки нафар инсон орасида Карим Абубакиров номи ҳам бор эди.

Карим Абубакиров 1896 йил 20 июлда Қазалинск шаҳрида ҳунарманд oilасида туғилган. Отаси телпак тикиш билан шуғулланган. Инқилобга қадар хусусий меҳнат ва савдо билан шуғулланган Карим Абубакиров кейинчалик совет давлат муассасаларида хизмат қилди, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритди ва машина-трактор станцияси директори лавозимигача кўтарилди.

Афсуски, ҳужжатлар қаҳрамонимизнинг қарийб йигирма йиллик меҳнат фаолиятини изчил тиклаш имконини бермайдди. Бу ҳолат фақатгина Карим Абубакиров ишига хос эмас, қатагон қурбонларининг кўпчилигига оид архив жиддла-



БИР БОШГА ИККИ ЎЛИМ

рида айна манзара билан бот-бот юзлашамиз. Тергов органлари сиёсий айбловни асослашга кўпроқ эътибор қаратгани боис, шахсларнинг давлат ва жамият олдидаги хизмати ҳақидаги маълумотлар кўп ҳолда тўлиқ сақланмаган. Шунинг ортидан бугун Карим Абубакировнинг қандай раҳбар бўлгани эмас, уни қандай айбланларини батафсилроқ ўқишга мажбурмиз.

Карим Абубакиров ҳаёти Туркистонда давлат тузуми кетма-кет алмашган, ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгарган даврга тўғри келди. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, у 1913 йилдан ВКП(б) сафида бўлган. Узоқ йиллар турли лавозимда меҳнат қилган. Қамоққа олиниши арафасида эса Калинин номидаги 1-машина-трактор станцияси директори вазифасини бажараётган эди. Ўша йиллари машина-трактор станциялари қишлоқ хўжалигини юритишда ҳал қилувчи бўғин ҳисобланар, уларга раҳбарлик қилиш эса катта сиёсий ишонч рамзи саналган.

Қатагон инсонни ёлғиз ҳукм қилмасди. Тергов иши очилган заҳоти унинг яқинлари ҳам ҳужжатнинг ажралмас қисмига айланарди. Архив анкетасидан кўрамызки, баённомаларда Карим Абубакировнинг турмуш ўртоғи Асима Абдуқаҳорова, қизи Нурония ва онаси Наима Маматовна ҳақида ҳам қисқа маълумотлар қайд этилган. Қатагон архивлари билан ишлар экансиз, бундай маълумотларга бефарқ қараб бўлмайди. Чунки аксар ҳолларда қурбонлар шахсияти, тақдири айнан уларнинг яқинлари томонидан кўрсатилган жонбозликлар орқали очиланади: йиллар давомида ёзилган аризалар, оқлов талаб қилинган мурожаатлар, архив эшикларини қайта-қайта тақиллатган фарзандлар ва турмуш ўртоқларининг хатлари бугун кўплаб тақдирларни қайта тиклаш имконини бермоқда. Афсуски, Карим Абубакиров ишида бундай ҳужжатлар учрамайди. Шу боис, унинг oilаси бу фожиани қандай қарши олгани, унинг номи учун кураш-

ганми-йўқми, номаълумлигича қолмоқда. Тадқиқотчи учун бундай жавобсиз саволлар ҳам архивнинг ўзи каби муҳимдир.

1937 йил 27 сентябрь куни Карим Абубакиров ВКП(б) сафидан ўчирилади. Бу қарор унинг тақдирдаги ҳал қилувчи бурилиш бўлган. Орадан атиги икки кун ўтиб, 29 сентябрь куни у Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлигининг Калинин район бўлими томонидан ҳибсга олинади. Унга нисбатан қабул қилинган эҳтиёт чораси ҳақидаги қарорга давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Селин имзо қўяди. Энди кечагина машина-трактор станциясига раҳбарлик қилган ҳўжалик ходими тергов ҳужжатларида “буржуа миллатчиси”, “троцкийчи”, “аксиклинкалобчи” ва “халқ душманларини мадҳ этувчи шахс” сифатида тавсифлана бошлайди.

Эътибор беринг, терговнинг дастлабки кунларидаёқ айбловнинг йўналиши белгилаб бўлинган эди. Карим Абубакировга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси биринчи қисми ва 67-моддалари қўлланади. Бу моддалар одатда совет ҳокимиятига қарши аксиклинкалобий фаолият, миллатчилик ва давлатга қарши уюшмаларда иштирок этганлик каби огир айбловларни қамраб оларди. Демак, тергов унинг айрим хатти-ҳаракатларини текширишдан эмас, муайян сиёсий қиёфа яратишдан бошланган.

1937 йил 1 октябрь куни биринчи сўроқ ўтказилади. Баённомада Карим Абубакировнинг шахсий маълумотлари қайта санаб чиқилади: тугалланмаган олий маълумотли агроном, машина-трактор станцияси директори, ҳунарманд, партиядан ўчирилган раҳбар ходим. Бироқ шу ҳужжатнинг ўзидаёқ унга мутлақо бошқа мазмундаги айбловлар қўйилади. Гўё у 1932 йилдан бошлаб “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси сифатида коммунистик партияга қарши кўпуровчилик ишларини олиб борган, “зарарқунандалик” билан шуғулланган ва советларга қарши тарғибот юритган.

Архивда сақланган кейинги ҳужжатларга кўра, тергов шу билан чекланиб қолмайди. 1937



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

йил 20 ноябрь куни Селин тергов муддатини узайтириш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарорда аввалги айбловлар янада оғирлаштирилади. Энди Карим Абубакиров фақат миллатчи ташкилот иштирокчиси эмас, илгари эсерлар партияси сафида бўлган, кейин ВКП(б)га кириб олган, совет тизимига “ичкаридан зарар етказиш” учун партиядан фойдаланган шахс сифатида ҳам тавсифланади. Қизиги шундаки, унинг меҳнат фаолияти, машина-трактор станциясига раҳбарлик қилган йиллари ёки агроном сифатидаги иш тажрибаси ҳақида тергов деярли ҳеч нарса демайди.

Орадан қарийб бир йил ўтиб, тергов тугалланади. Йирилган баённома, қарор ва айблов хулосалари СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясига юборилади. Суд муҳокамаси узоқ давом этмайди. 1938 йил 4 октябрь куни Карим Абубакиров Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбдор деб топилиб, отув жазосига ҳукм қилинади. Шу тариқа, Карим Абубакиров қатагоннинг навбатдаги қурбонига айланди.

“Бир бошга бир ўлим”, дейди халқ. Бироқ қатагон бу қадим ҳикмат, мезонга ҳам чанг солди. Карим Абубакиров каби шахслар аввал ўз номи, меҳнати, хизматига қарамай, “халқ душмани” деган тамга билан маънан ўлдирилди. Сўнг отув ҳукми билан жисман йўқ қилинди. Унинг тақдири бир бошга тушган икки ўлимнинг аччиқ мисоли бўлиб қолди...

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Совет тузуми даврида миллатимиз бошига тушган қатагон – тарихга “катта террор” номи билан кирган ваҳшат замонлардан буён деярли тўқсон йил ўтди. Бу даврнинг асл гувоҳлари аллақачон чин дунёга рихлат қилишган. Орамизда ёши тўқсондан хатлаган тирик гувоҳлар саноқчилигига. Уларнинг “тирик гувоҳлиги” – ота-оналаридан эшитганлари, давр қийинчиликларини муштдек бошлари билан тортганларидан нарига ўтмайди. Ҳужжат-ҳотларда сақланаётган “жиноят иш”лари, ўша давр газеталари тахламларини “тилсиз гувоҳлар” сифатида қабул қиламиз. Бу сарғайган қоғозларда факт ва рақамлар бор, қийноқлар остида имзоланган “икрорнома”лар бор, ҳолис ва ноҳолис гувоҳларнинг “кўрсатма” ва “чақув”лари бор. Том-том “жиноий иш”ларда тирик инсоннинг изтироблари, тавбаю тазаррулари, унсиз фарёдлари сукутга кетган.

Ўттиз-қирқ демайлик, йигирма йилларнинг нари-берисида ўша даврни кўрган, қатагоннинг палағда нафаси бўғзига бир умр ёпишиб, тунлари кўркувдан алаҳсираб уйғониб кетадиган инсонлар ёнимизда эди. Уларнинг аксари қатагон кўркувидан бир умр қутула олмадилар, сассиз-содосиз яшаб ўтмоқни маъқул кўрдилар. Ваҳшат замонида кимлар кимларни сотгани, нима эвазига ўз элдоши, қавмдошини муқаррар ўлимга йўллаганини билишарди улар. Бепарволигимиз сабаб сўнгги гувоҳларни аччиқ ва аянчли кунларимиз учун, юрт қайғусида дор остига тикка борган жадид боболарнинг ҳимоячилари мақомида тарихий суд минбарига даъвогарлар сифатида чиқара олмадик. Бу жараёнда қалам аҳли бонг уришдан кўра сукутни афзал кўргани ҳам бор гап.

...Қаландар бува Юсупов қишлоғимизда тузилган қолхозлардан бирига раислик қилган. Бу инсон салкам бир аср умр кўрди. Қишлоқнинг энг ёши улур инсои бўлса-да, тўю маъракаларга қатнашмас, хонанишинлик одати бор эди.

Ўттиз йиллар бурун Қаландар бувани йўқлаб бордим. Мақсадим: ўз даврида хон навқари бўлган, кексайган вақтида ҳам отдан тушмаган бувам нима учун 1936 йилгача қолхозга кирмай, яқка хўжалик бўлиб oilасини боқгани, айнаи ўша йили баҳорда тизза бўйи келиб қолган бугдойини НКВД ходимлари келиб, пайхон қила бошлаганларини кўриб (икки аёлидан фарзандлари кўп бўлган), ноилж қолхозга киргани ва ўша кузда тўсатдан оламдан ўтгани сирини билмоқ эди. Қаландар бува Ҳасан навқар бувам ҳақида кўп қизик гапларни сўзлаб берди. Кексаликда қулғи оғирлашган, кўзи хира тортган бўлса-да, хотирасига шикаст етмаган экан.

Кетар чоғида Қаландар бува ичида бир умр сақлаб келган изтиробни алам билан гапириб

берди. Қутилмаган гурунги бошладан олдин чап панжасини кўрсатди: “Бу чандиқ нимадан деб ўйлайсан?” Қоқ суяқ бўлиб қолган қўл панжасининг ориққина этида қизил-қора аралаш чандиқ сезиларди. Елка қисдим, бирор бахтсиз ҳодиса оқибати бўлса керак, деган ҳайлга бордим. Қаландар бува панжасини айлантириб, устини кўрсатди – бу ёғида ҳам шунга ўхшаш чандиқ излари кўзга ташланарди. “Эҳтиётсизликдан бирор ўткир жисм кириб кетганим?” деб сўрадим. Қаландар бува бош чайқаб, “ўх” тортди: “Қанийди, шундай бўлса! Қўлим узилиб тушгани яхшироқ эмасмиди?”

У киши панжасидаги чандиқ тарихини сўзлаб

ниши кераклиги бўйича чақув бўлиб, унинг остига “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниши керак бўлган шахслар ҳақида маълумот берувчи” дея менинг исми-шарифим ва лавозимим ёзилган, шу бугунги сана ҳам тиркаб қўйилганди.

Рўйхатдаги айрим одамларни танимаслигимиз, таниванларим қолхозда кечаю кундуз ишлаб юргани, уйланаганлари рўзғорини бир амаллаб судраётгани, уйланамаганлари тўй орзусида бор кучини қолхоз ишига бераётганларини айтдим. Габдуллин гапимни тугатишга қўймай ўшқирди: “Қўл қўймасанг, ўзингни ҳам рўйхатга қўшаман!” Мен яна базўр рад қилдим,



берганида этим жимирлаб, атрофга аланлаганим бор... Мана, сиз ҳам эшитинг.

“Қама-қама бошланган йили янги тузилган қолхозда раис эдим. Қўшнни Тельман қолхозга раиси Собир Эгасовни бутун фаоллари билан бир кунда қамашди. Собир ака билан бир элатданмиз, болаликдан ўйнаб-ўсаанмиз. Бугунми-эртами, мени ҳам қамашади, деган ўйда юрибман. Собирнинг-ку, икки қизи қолди, мен эса камбағалликдан оила қуришга улгурмаганман. Ортимда бола-чақам йўлаб қолармиди, деган фикр таскин ҳам беради.

Ниҳоят, мени ҳам қақаришди. Хонқа туман НКВД бошлиғи Габдуллин деган нўғой хонасига қўрқа-писа кириб бордим. У саломимга алик олмади, сен кимсан, деб сўрамади ҳам. Тортмасидан бир қоғозни олиб, қўлимга берди: “Ўқи, таниш ва қўл қўй!”

Қоғозда йиғирма икки кишининг исми-шарифи ёзилганди. Уларнинг кўпчилиги мен раис бўлган қолхоз худудидан, қоланлари қўшни қолхоздан. Аксарини танимайман ҳам. Узун рўйхат “халқ душмани” сифатида ҳибсга оли-

ахир, шунча беғуноҳ одамни қаматиб, қяинлари қарғишига қолиб кетишни ким устаиди?

Габдуллин ходимларини қақирди. Улар мени девор қяинида турган стул ёнига куч билан ўтқазишди. Бириси елкамдан босиб турди, яна бириси чап қўлимни стул устига қайчириб, панжамни очди. Шу пайт учинчи бирови қўлида чўкич билан кирди ва арава михини панжам устига қўйиб, устига чўкични теккизди. Арава михининг учи ўткир экан, терим остига сал кириб, озорқ қон чиқди. Оғриқдан тишларимни қисиб олдим. Габдуллин қоғозни олдимга қўйиб, қўлимга қаламни тутқазди: “Қўл қўясанми?” Мен бош чайқадим. Габдуллин чўкич ушлаб турганга “Давай!” деди. Қатта чўкич михида урилди. Қўзимдан ўт қанг кетди. Бақирмаслик учун тилимни тишладим. Чўкич уч марта тушганида мих панжамни тешиб, стул тахтасига қаттиқ теккан саси эшитилди. Стул усти, уст-бошим, ҳамма ёқ қон. Ҳушим бошимдан учган. Чўкич яна икки-учми урилди ва қўлим столга михланиб қолди...”

Қаландар бува лабларини қимтиб, жим қолди. Танам титроғидан тилим калимага келмас, кўз ўнгимга салкам бир ярим қарич келадиган бармоқдек йўғон арава михи ва уни тинмай инсон панжасига қоқайтган кимса келарди...

Ниҳоят, сўрашга журъат қилдим: “Қўл қўйдингизми?”

Қаландар бува ерга қараб бош чайқади: “Жон ширин экан, иним. Йўлаб-йўлаб қўл қўйдим...” Энди гап ортқича эди, ҳайрлашиб, эшик олди-га борган вақтимда, Қаландар бува йўғламсира-

бўлса-да), ошқоралик даврида қатагон ҳақида ойнаи жаҳонда кўрсатувлар намойиш қилинганда бурнини жийириб ўтирар, истиқлол замонасида икки киши йирилган даврада СССРни оғзидан қўлип сочиб мақташдан тийили олмасди.

Шу одам ўша машъум йилларда комсомол фаоли бўлиб, кўплаб қишлоқдошлари устидан НКВДга “чақув” ёзиб қаматиб юборгани, қаматганларининг кўпчилиги қайтиб келмагани ҳақида замондошлари кўп гапиришарди. Қарангки, советларга садоқат билан хизмат қилган, кўплаб “халқ душманлари”ни “фoш қилган” кимсани айнан ишонганлари аяб ўтирмаган. 1947 йилда элатдоши Мадрим Оллаберганов устидан навбатдаги “чақув”и ўзининг бошига етади. Оллаберганов Иккинчи Жаҳон урушида қатнашган, орден билан тақдирланган инсон маҳкамада ўзини оқлай олади, натижада Исмоил йўсак туҳматчи сифатида уч йилга қамалиб кетади.

Қишлоғимизда ўша даврда милиция тизимида ишлаган Рўзйбой Тожиев деган одам ҳам кўпчиликини “чақув” билан қаматиб юборган. У хатто Хива мадрасасида таҳсил олган туғишган тоғаси Жумабой охун бувани ҳибсга олишга бош-қош бўлади. Охун бува бир тасодиф туфайли қамолдан омон қолади. Қизиги, ўзини жаҳаннамга юборишга уринган туғишган жиянини кечиради, ўлгунча борди-келдини узмайди.

Яна бир қишлоқдошимиз Абдулла Оллабергановнинг тақдири бошқача кечган. Оддий деҳқоннинг ўғли советлар юрта яхшилик келтиради, деб ишониб, биринчилардан бўлиб партияга кирди, Боготда қолхозлар тузишда фаоллик

кўрсатади, туманда илк МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Оллаберганов техника деҳқоннинг оғир меҳнатини енгиллаштиришини билиб, бу жабҳада жонқуярлик кўрсатади, юзлаб ёшларни тракторчиликка ўқитиб, янги келтирилган техникаларни бошқариш, бузилганда қандай таъмирлаш ишларига ўртади. Шу хизматлари учун туманда биринчи бўлиб орден ҳам олади.

1937 йил баҳорида уни обқўйма қақариб, суҳбатдан ўтказадилар ва икки-уч кун ичида Бухоро туманларидан бирига биринчи раҳбар бўлиб бориши кераклигини айтиадилар. Ўттиз икки яшар йилгит уйига келиб, oilасини бўлғуси ҳаёти – мусофирликка ҳозирлаб юрган вақтида тўсатдан НКВДга қақаришади ва қўлига ўзи билан МТСда ишлаган бир гуруҳ “халқ душманлари” рўйхатини бериб, имзолашни сўрашади. У имзолашдан бош тартади. НКВД бошлиғи “Ўз оёғингизга ўзинг болта уряпсан! Энди умринг трактор мойига буланиб ўтади”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, икки кундан сўнг унга партиявий чора бериб, раҳбарликдан олишади.

Абдулла буванинг қолган умри қолхозда оддий тракторчилик билан ўтди. Гарчи узоқ йиллар меҳнат соҳасида туманда ягона орденли инсон бўлса-да, бирорта байрам ёки тадбирга бошқа қақаришмади. Абдулла бува узоқ умр кўрди – салкам юз ёшида вафот этганида жанозасига вилоят ва туман раҳбарлари келишди. Уни “биринчи коммунист” сифатида эмас, қатагон қурбони мақомида иззат билан дафн қилишди...

Хоразмнинг юздан бир бўлғи хисобланмиш Қўлон Қорабоғ қишлоғида машъум йилларда яшаш тақдирига ёзилган инсонлар ҳаётидан айрим парчаларни келтирдик, ҳолос. Уларни айблаш ниятидан йироқмиз. Ҳар ким умрида қилган айбу хатоси учун Ҳақ олдида жавоб беради. Қолаверса, ҳозирда собиқ совет тизимини мақтайдиган айрим кимсалар “Сталин Қодирийиш шахсан танимаган, уни ёнидаги сафдошлари сотган”, деган ғалати фалсафани ўзларига қалқон қилишади. Айнан советлар доҳийси қарори билан қатагонга катта йўл очилгани, ҳар куни Москвадан қанча одамни отиш, қанчасини сургун қилиш тўғрисида режа келиб турган кезде ўз жонини асраш эвазига бошқалардан “халқ душмани” ясаш мажбуриятида қолган одамлар оз бўлмаган, ахир! Ўша кимсаларнинг аксари сал ўтмай ўзларни сотган одамлар ортидан кетгани янама даҳшатли!

Эсимда, ошқоралик замонида вилоят телевидениесида урганчлик бир кекса киши қатагон замони ҳақидаги сўзида НКВД ходимлари қўшнисидан “халқ душмани” асашга уриниб, ундан бир парча “чақув” олишга ҳаракат қилишгани, имзо қўйишдан бош тортганида, қўл панжасига арава михи қоқишганини айтиб, панжаларидаги изларни кўрсатаётиб, беихтиёр кўзларига тошиб келган ёшларни енгил билан артгани. У ўшанда имзо қўйганим-йўқми, билмаймиш – гурунги яқунланмай қолганди... Демакки, қатагон ижрочилари бўлмиш жаллодлар режани бақариш учун тажриба алмашиб, қийноқнинг ваҳиёиёна усулларини қўллаган, руҳан синмаган инсонларни жисмонан мажруҳ қилган.

Тарих қатларида қолган бундай ваҳшийликларни ёзишдан мақсадимиз, бугунги авлодни ўтмишга теран нигоҳ билан боқиш ва тегишли сабоқ чиқаришга даъват этиш, ҳолос. Ўқиш ва ўқиш ҳар кимнинг зехниятига ҳавола.

Рўзимбой ҲАСАН



“Адл-у эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлур.

Амир ТЕМУР





ТАҚДИМОТ

Хабарингиз бор, шу кунларда юртимизда “Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” мавзусидаги I Халқаро ислом цивилизацияси форуми бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 50 дан ортиқ давлатидан келган 300 га яқин жамоат арбоблари, муфтийлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва уламолар иштирок этмоқда.

Мартабали меҳмонлар сафида Озарбайжон Республикаси делегациясига бошчилик қилаётган Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода ҳам иштирок этмоқда.

ЭЪТИРОФ

Куни кеча “Ренессанс” кино уйининг мухташам залида Оллоҳшукур Пошшозода ҳазратларининг “Қардошлик ва иттифоқчиликнинг олий нуқтаси” китоби тақдими ҳам юксак савияда ўтказилди. Китоб 2026 йилда Бокуда чоп этилган бўлиб, унинг ўзбек тилига ўғирмасида Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонаси жамоаси қатнашган. Ушбу китоб, муаллиф таъбирига кўра, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги абадий дўстликка бағишланган бадий солномадир.

Китоб шундай сўзбоши билан бошланади: “Она ватаним Озарбайжон билан иккинчи ватаним бўлган Ўзбекистон ўртасидаги абадий биродарлик алоқаларига бағишлайман”. Китобни ўқишга муяссар бўлган одам бу шунчаки “кўнгил учун” айтилган гап эмаслигига иқдор бўлади. Чунки: “Мен умримнинг энг муҳим босқичларидан бирини азиз Ўзбекистонда ўтказганман. ...Бухорода Мир араб мадрасасини зиёрат қилганимда, Тошкент Ислом институтида бўлганимда талабалик йилларимнинг ҳаяжонли кунларини эслайман, менга ўз оиласидек меҳр билан бағрини очган инсонларни ёдга оламан...”

Шунингдек, икки қардош халқнинг шонли ўтмиши, икки Давлатнинг биродарлиги, Миллат етакчиларининг бирдамлиги, ташки ва ички сиёсатда узокни қўлаб, оқилна ташланаётган қадамлари эътироф этилади: “Ўзбекистон раҳбарининг қувончли кунларда ҳам, мураккаб ва синовли паллаларда ҳам чинакам биродарлик ёндашувини намоён этиши... Қардош



Ўзбекистоннинг туҳфаси – Фузулий шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги 1-сонли умумтаълим мактаби – Озод Қорабоғ ва Шарқий Зангазур ҳудудларидаги илк биродарлик совғасидир”.

Тақдимот сўнггида Шайх ҳазратлари сўз бошлаганларида таржимонга ҳожаат йўқлигига, икки туркий элнинг дили ва тили азалдан бир эканига яна бир бор амин бўлди:

“Шайхулислом сифатида мен дунёнинг қўлаб давлатларида бўлганман, бироқ Ўзбекистондагидек эзгу ниятга асосланган бағрикенглик муҳити, маърифатпарварлик ва маънавият масалаларига бундай юксак даражадаги эътиборни бошқа жойда учратмаганман”.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилда Оллоҳшукур Пошшозоданинг “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани ҳам Шайх ҳазратларининг икки давлат ўртасида, қолаверса, бутун туркий давлатлар бирлиги йўлида кўрсатаётган шижоати ва шарафли хизматларининг юксак эътирофидир.

Жамолiddин БАДАЛОВ

ЯНГИ КИТОБЛАР

ҒАРОЙИБ ВОҚЕАЛАР

“Ферузбек секин орқасига ўғирилди. Ерда ётган китобга разм солди. Эшитганларига ишонқирамай, кўзларини қўллари билан уқалади.

– Наҳотки, китоб гапирган бўлса? – деди ўзига ўзи секин овозда.



– Ҳа, полвон бола, мен гапиряпман. Қани, ёнимга кела қол-чи. Яқиндан танишиб олайлик, – китобдан яна овоз келди. Ферузбек китоб томон яқинлашди. Бор

кучини бир жойга жамлаб, китобни яна очишга қарор қилди. Унинг қўллари қалтиради, кўзларини юмиб секин китобни қайта очди”...

Хўш, кейин нима бўлди? Бунинг давомини билиш учун худди ушбу асар қаҳрамони Ферузбек сингари китобни очиш керак бўлади – бу болалар ёзувчиси Тозагул Жуманова қаламига мансуб “Сехрли китоб” қиссасидир.

Китоб тақдимида ёзилганидек, муаллиф болалар руҳиятини нозик ҳис қилади, шу боис, унинг қаҳрамонлари ишонарли тасвирланади. Асар тарбиявий аҳамиятга эга, уларда меҳр-оқибат, дўстлик, ҳалоллик, катталарга ҳурмат ва табиатга меҳр каби инсоний фазилатлар улуғланади.

Энди яна бир парчага эътибор беринг: “Дунёнинг ишларига садаган кетса арзийди. Бир-бирдан ажойиб ва ғаройиб воқеалар гувоҳи бўлгач, кўзларингга ишонмайсан. Барини эртаки, деб ўйлайсан. Аслида, ҳаммаси ўнда – сен яшаб ўтаётган ҳаёт сахнасида юз бераётган бўлади. Баъзида ўзинг ҳам турли-туман ҳодисаларнинг қаҳрамонига айланиб қоласан... Аканг қарағай ҳаёти ҳам жуда қизиқ воқеа-ҳодисалар билан давом этмоқда. Бу йил 5-синфни тугатиб, ёзги таътилда қишлоқда тараллабебод қилиб ўйнаб юрардим. Жавзо адоғи эди”... Хўш-хўш?

Воқеанинг қизиқ жойи энди бошланди. Фақат буни билиш учун болажонлар та-

Бошланиш 1-саҳифада.

Семинар пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида буюк мутафаккир Алишер Навоий хайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Шундан сўнг иштирокчилар жойлашган автобуслар Зомин сари йўлга чиқди. Меҳмонларни Жиззах вилояти ҳокимлигининг масъул вакиллари кутиб олди. Анжумани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид самимий табрик сўзлари билан очиб берди. Тадбирнинг кириш қисми қизгин мушоирага уланиб кетди.

Семинарнинг иккинчи кунда ёш ижодкорлар назм, наср, бадий журналистика, бадий таржима ва байналмилал адабиёт, болалар адабиёти, адабий танқид ва драматургия йўналишлари бўйича шўба-ларга бўлиниб, устозлар сабоғидан баҳраманд бўлди. Уларга таниқли шоир ва ёзувчилар бириктирилиб,

ҳаваскор ижодкорларнинг ҳар бири билан индивидуал иш олиб бориш имконияти яратилди.

Семинар давомида устоз адибларнинг ижодий тажрибаси ва сабоқлари ёшлар учун катта мактаб вазифасини ўтади. Айниқса, анжуман доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султонов билан учрашув ва унинг “Ялдо кечаси” китоби тақдими, Республика Маънавият ва маърифат маркази “Сўз” лойиҳаси аъзоларининг ушбу асар асосида сахналаштирган шеърӣ спектакли иштирокчиларни янада илҳомлантириб юборди.

– Бу йилги семинаримиз ҳақиқий байрамга айланиб кетди, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Хосият Бомуродова. – Ҳассос қалб билан шеърӣятга дадил кириб келаётган ёшлар кўп экан. Қўшни давлатлардан келган ватандош ижодкорларни ҳам тингладик. Бу ерда фақат асарларни муҳокама қилмадик, балки эркин фикрлаш, адабиётга масъ-



ОГОҲЛИК

Бугун глобализация ва интеграция жараёнлари инсонларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётгандек. Буни биз биргина Сирдарё вилояти Сирдарё туманида 2025-2026 йилнинг дастлабки 5 ойда 24 нафар вояга етмаган қизнинг вилоятдаги ИИБга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилганида англаймиз. Яна ҳам аянчлиси, шу муддат мобайнида вояга етмаган 15, 16, 17 ёшли қизларнинг 6 нафари она бўлган.

ҚИЗИНИ АСРАГАН – ЮЗИНИ АСРАГАН

Аҳолиси 150 мингга яқин бўлган туманда шунча ачинарли вазиятнинг кузатилиши барчамизни хавотирга солиши шарт.

Ёки сўнгги икки йилда Сирдарё туманининг ўзидан 170 нафар фарзандлар бобо-бувилар васийлигига қолдирилган. Сўровлар жараёнида, айниқса, қизларнинг тарбиясига бобо-бувиларнинг кучи ҳам, қуввати ҳам етмаётгани ойдинлашди. Бу эса яна янги саволларга сабаб бўляпти.

Бир қиз боланинг тақдири – бир оиланинг эмас, бутун жамиятнинг масаласи. Чунки бугун эътиборсиз қолдирилган муаммо эртага каттароқ ижтимоий масалага айланиши мумкин. Вояга етмаганларнинг она бўлиши – жамиятнинг тарбия, масъулият ва ҳимоя тизими ўша муҳитда суст ишлаётганини кўрсатувчи ойнадир.

Бу каби салбий ҳолатларни фақат оқибат сифатида эмас, сабаблар нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилишимиз керак. Нега бундай ҳолатлар содир бўлди? Қайси жойда тарбия, назорат ёки тушунтириш ишларида бўшлиқ бор? Қандай қилиб ёшларнинг ҳуқуқий ва маънавий ҳимоясини кучайтириш мумкин?

Саволлар кўп...

Жамиятнинг қиёфаси, аввало, хотин-қизларга бўлган муносабатда намоён бўлади. Қизини асраган, унинг илм олиши, касб эгаллаши ва ўз ўрнини топиши учун шароит яратган миллатнинг келажаги ҳам мустаҳкам бўлади. Қизлар тарбияси – бу нафақат оила, балки давлат, жамият ва жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир.

Баҳром БОЙМУРОДОВ

